

Э. ХАИТОВ
Ш. ЖУМАНИЯЗОВ

РАНГТАСВИР



УЗ
751
Х17

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Э.Х. Хайтов, Ш.Р. Жуманиязов

РАНГТАСВИР

Ўқув қўлланма

I босқич талабалари учун



ТОШКЕНТ
INFO CAPITAL GROUP
2018

УЎК: 75.02(075.8)

КБК:85.14

X 17

Тақризчилар: Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги,
Ўзбекистон Халқ рассоми, профессори
Б.Жалолов
ТАҚИ профессори, архитектура фанлар доктори
Д.А.Нозилов

Хайтов Э., Жуманиязов Ш.

Рангтасвир. – [Матн]: ўкув қўлланма/ Э.Х.Хайтов, Ш.Р. Жуманиязов. – Тошкент: Info Capital Group, 2018. – 112 б.

Ушбу ўкув қўлланма олий ўкув юргининг Тасвирий санъат йўналишидаги талабалар учун яратилган бўлиб, тасвирий санъат нинг асоси ҳисобланган ҳолда чизматасвир бўйича амалий машғулотлар мазмуни ёритилган. Ўкув қўлланманинг асосий вазифаси талабаларнинг рангтасвир сирларини ўзлаштириш, мустакил фикрлаш ва ижодий фаолият даражасини ривожлантиришидан иборат.

Қўлланма чизматасвир фанидан яратилган дастур асосида тузылган бўлиб, турли хил иллюстрациялар билан бойитилган. Ушбу қўлланмадан олий ўкув юртлари талабалари ҳамда шу соҳага алоқадор мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 22 августидаги 603-сонли буйруғига асосан наширга тавсия қилинган.

УЎК: 316.46

КБК: 88.5

ISBN 978-9943-5341-3-1

© Хайтов Э., Жуманиязов Ш, 2018.

© «Info Capital Group», 2018.

Мундарижа

<i>Кириши</i>	4
I. РАНГТАСВИР ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ	7
1.1. Рангтасвирда фойдаланиладиган ашёлар	8
1.2. Тасвирилашнинг қонун-қоидалари	26
1.3. Рангтасвирда ишлаш усуллари	29
1.4. Рангларнинг хусусиятлари	33
1.5. Иссик ва совуқ ранглар	34
1.6. Амалий машғулот	37
1.7. Предметларнинг ёргу ваясаси	38
II. I БОСҚИЧ 1-СЕМЕСТР	45
2.1. Натюрморт (<i>кузги, милий, замонавий ва ҳоказо</i>)	45
2.2. Одам боши тасвири	55
2.3. Характерли эркак боши контраст фонда	61
2.4. Одам бошининг бирламчи қисмларига нейтрал фонда ишлов бериш	68
III. I БОСҚИЧ 2-СЕМЕСТР	76
3.1. Одам боши тасвири бош кийимда	76
3.2. Портрет жанрида ишлаш услуби	78
IV. ҚОРАЛАМАЛАР	95
4.1. Қораламанинг аҳамияти	95
4.2. Қисқа вактли этюдларни ранглараро муносабатлар билан бажариш	97
<i>Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли лугати</i>	102
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	111

КИРИШ

«Хеч бир одам шахсан ўз юрагидан,
қалбидан образ яратса олмайди.
Качонки, бу нарсани күп сонли
чизгилари түфайли ўз онгидა
түпланғандагина унга әга бұлади»
Альберт Дюрер

Олий рассомлик мактаблари ва институтларда рангтасвир фанини ўқитишидан мақсаң юксак тасвирий маданияти ва касб маҳоратини тұлық әгалаган рангтасвир устасини тайёрламок-дир.

Илмий-назарий, махсус, умумтаълим фанларини пухта ўзлаштириш, ёш рассомларни унумли ижодий, педагогик ва жамоатчилик фаолиятига тайёрлашни назарда тутади.

Хозирғи вактда олий ўкув юртиларда мутахассислик фанлар, жумладан, ўкув рангтасвир машғулотларини ўқитишининг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш ва илмий жиҳатдан асосланған шакли, мазмуни ҳамда усулларини такомиллаштириш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Муаммолар асосан:

– давлат таълим стандартлари асосида талабаларга тасвирий санъат машғулотларини ўқитишининг ҳозирги ҳолатини аниклаш ва уининг кейинги йилларга мүлжалланган истиқбол йўлларини ишлаб чиқиш;

– тасвирий санъат педагогиги ихтисослиги бўйича олий ўкув юртларида мутахассис рассом-педагогларни тайёрловчи таълим муассасалари иш фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан ишлаб чиқиш;

– рассом кадрларни тайёлашда маҳаллий манбалардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш орқали талаба-ёшларни

юкори малакали мутахассис бўлиб, етишишларини таъминлаш ва юксак дидли, миллий ҳамда жаҳон халклари санъатини мукаммал билиш.

Ушбу Ўкув қўлланма соҳага тегишли хорижий адабиётлардан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

Талабаларнинг маҳорати ва таълим жараёнида эгаллаган билимларнинг сифат даражасини аниклаш мақсадида ҳар семестр охирида кўрик ўтказилиб, маҳсус ҳайъат (комиссия) аъзолари томонидан баҳоланади.

Рангтасвир асарининг кучи ҳар қандай санъатдагидек – шакл моҳияти теранлиги ва мукаммаллигидадир. Факат муҳим, илғор ғоянинг ва илғор касбий маҳоратнинг бирлашувигина асл санъат асарини юзага келтиради. Агар рассомнинг ижодий фикрлаши унинг руҳий кучи бўлса, рангтасвир техникаси унга зарур техник курол бўлиб хизмат қилади ва унинг рассомчилик ютукларининг амалий негизини ташкил қилади. Рассом учун техника бу – мукаммал рассомчилик асарини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усул ва йўлларининг шундай мажмуаси, усиз рассом бирор тасвирни яратса олмайди. Техникасиз рассом танг ахволда қолганидек, техника унга қанот багишлайди.

Айниқса, бадиий мактабдаги рангтасвир техникаси масалаларига катта аҳамият қаратилиши керак. Агар ижодий жиҳатдан ёш рассом амалий ишда камолга етса, техник жиҳатдан у, асосан, мактабда тайёрланади. Кейинчалик рассом одатда факт катта куч эвазига, кўпинча қатор муваффакиятсизликлардан кейингина ўз техник маҳорати камчиликлари ўрнини тўлдиришга мажбур.

Ушбу китобнинг мақсади ўқувчини мойбўёкли рангтасвир техникасининг назарий ва услубий асослари билан таниширишдан иборатdir.

Хозирги вактгача рангтасвир ҳакидаги назарий адабиёт-

ларда колорит ҳақидаги таълимнинг систематик ифода тарзи йўқ эди. Илгариги адабиётлар, Уйғониш даврининг трактатларидан бошлаб бизнинг кунларгача колорит масалалари бўйича етарли бўлмаган илмий асосланишларсиз ва қонуниятларни ҳеч қандай системалаштиришсиз фақатгина алоҳида мулоҳазаларни ўз ичига олган.

Ушбу ўқув қўлланмада колорит ҳақида илмий асосланган таълимни унинг қонуниятларини системалаштирган тарзда ва мойбўёкли рангтасвирнинг техник усуллари методикаси учун сўнгги хуласалар билан мухтасар ҳажмда беришга ҳаракат қилинади.

Шунингдек, огоҳлантириш керакки, мўйқалам маҳоратини фақат китоб бўйича билиб бўлмайди. У давомли, узлуксиз амалий ишда ўргатилади. Амалиёт мақсадга эришиш учун чинакам йўл, китоб эса – ҳаракатга раҳбар ҳисобланади.¹

¹ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-3 p/

I. РАНГТАСВИР ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Рангтасвирга ўқитишининг бутун тизими (жумладан, курс вазифалари), талабаларнинг бадиий (тимсоли) тафаккурини ривожлантиришга, унинг мустақил ижодкор бўлиб етишишига кўмаклашуви зарур.

Рангтасвирга ўргатиш жараёнида рассомлик мактаби ва олий таълим тизимининг асосий вазифаси, миллий санъатимизни жаҳон андозалари даражасига олиб чика оладиган, юксак маҳорат ва истеъододли ёш рангтасвир усталарини етиштириб беришdir.

Рангтасвир – барча тасвирий санъат турларининг асосийларидан бири бўлиб, рассом тасвирий санъат турининг қайси бирида ижод қилишидан қатъи назар, чизматасвир ва рангтасвирга асосланади. Санъат композиция асарларини яратишда бажарилган чизгилар рассомга ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади.

Рангтасвир машғулотлари буюмларни тўғри тасвирлаш, борликни идрок этиш, қўл, онг ва сезги органларини шаклантиришда нафақат бўлажак рассомга, балки турли касб соҳасидаги кишиларга зарурdir.

Талабаларга бадиий маълумот беришда борлиқни хақконий тасвирлаш машғулотлари бениҳоя катта бўлиб, бу уларнинг умумий дунёқарашларини ўстиришда муҳим ахамиятга эга. Реалистик расм чизиш санъат табиатдаги шаклларни хақконий образларда тасвирлаш маҳоратини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

1.1. Рангтасвирда фойдаланиладиган ашёлар

Мўйқалам


Гризайл деб номланган кулранг тусдаги монохром рангтасвир мўйқалам билан тасвир ишлаш турларидан бири. Гризайл билан қадимги санъаткорлар ижод килганлар. Улар картина яратишнинг бошланғич тайёргарлик ишлари чоғида бундай усул билан етук асарлар яратиб келганлар. Гризайл маҳобатли рангтасвирда илгари ҳам, ҳозир ҳам қўлланмоқда. Узоқ йиллардан буён коғозга мўйқалам билан тасвир ишлаш усули кенг тарқалди. Тасвирда катта ҳажмдаги тус билан кенг миқёсда асарлар яратишга имкон берадиган бу усул суръатларни нозик ишлашга ҳам имкон яратади.

Қадимги рассомлар оддий қораламалардан тортиб, тугал жанрий композициялар манзара, портретлар, инсон танаси тасвирларган асарларга қадар мўйқалам билан ишлаганлар. Мўйқалам билан ишлашда мойсизлантирилган юзали, оқ, баъзан қандайдир нейтрал рангдаги қоғоз олинади. Узоқ муддатли иш учун ватман ёки ярим ватман сингари юқори сифатли қоғоз танланади. Қадимги рассомлар мўйқалам ёрдамида сиёҳ, тушь, бистр ва бошқа сувда эритилиб, елим кўшилган бўёклар билан асарлар яратганлар. Сиёҳ билан расм чизиш усули ҳозир истеъмолдан чиқсан. Бистр ҳам ҳозирда қўлланилмайди. Шунга қарамай бистр тасвир ашёси сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эмас. У мури иси ва елимдан тайёрланади.

Мўйқалам билан акварел бўёкни ҳар қандай рангида ишлаш мумкин.

Мўйқалам минг йиллардан бери мавжуд. Конструкциясининг соддалиги билан у рангтасвир учун жуда мукаммал жиҳоз сифатида ишлатилади. Рангтасвир техникасида шундай вазифалар учрайдики, уларни бажаришда мўйқалам ҳал ки-

лувчи аҳамиятга эга ва муваффакият баъзан мўйқалам си-
фатига боғлиқ, чунки рассом бу жиҳознинг имкониятларини
 билади ва ҳис қилади.



Рассом мўйқалами бўёқларни палитрадан картина текис-
лигига олиб ўтиш учун мўлжалланган. Мойбўёқли мўйқалам
кўтарилиган ҳолда бўёқни олади, туширилганда уни беради.

Мойбўёқ билан қоғоз юзаси қопланганда бошида мўй-
қалам бўёқ қоғоз юзасига тушиши учун туширилган ҳолда

ушланади. Қоплаб бўлингандан кейин мўйқалам ҳолатини шундай ўзгартириш керакки, унинг тепаси кўтарилиган бўлсин ва бўялган жойнинг пастдаги бўёқ қолдиғи мўйқаламга кайтиб ўтсин. (39-расм) Мўйқалам билан маҳоратсиз муносабатда бўлинса, ишда ортиқча сув тўпланади, бўёклар секин қурийди, осилиб тушади, оқа бошлайди, шаклни бузади ва кир қуйқалар ҳосил бўлади, бу эса ишга олачи-порлик ва дағаллик беради. Бўёқларнинг бундай қуюқ доғларидан мўйқаламни ишлата олмасликни фаҳмлаш мумкин. Мўйқалам билан тўғри ишланганда сув миқдори рассом томонидан назорат қилинади, ишда ортиқча бўёқ қолмайди, у шаклни бузмайди, иш тез қурийди, бўёқлар аниқ, енгил, шаффоф, тиник ётади.

Мўйқалам билан ишлашда мўйқаламдаги сув миқдорини сезишни ўрганиш керак, чунки сув суртилиш майдонига мувофиқ бўлиши керак. Ортиқча бўёқни бартараф қилиш намлик устида бир доғни бошқаси билан бирлаштириш талаб этилганда, айниқса, зарур. Акс ҳолда, тасвирланаётган шакл бўёқнинг оқиб тушишидан бузилади. Мўйқалам ўзида ранг ва тус жиҳатидан бир турдаги ва хилма-хил қоришмали бўёқни ушлаши мумкин. Агар бўёқни шаффоф, лессировкали қилиб қўйиш керак бўлса, бўёқ қоришмаси бир турли бўлиши керак ва бунинг учун бўёқни палитрада ёки синов қоғозида астойдил аралаштирилади. Агар бўёқни мўйқаламга аралаштирилмаган ёки ёмон аралаштирилган ҳолда олинса, мўйқалам учиди қуйка ҳосил бўлади, асосида эса тоза сув қолади, мўйқалам уни қуюқ бўёқка урилганда мўйқаламдаги сув қуюқ бўёқни ювали ва кир ранглар ҳосил қиласади.²

Катта текисликларни бир тус билан текис қоплашни ўрганиш керак. Архитектуравий лойиҳалашда кўпинча қоғозни грунтлаш, фон бериш, катта енгил сояни бўяш керак

² Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-10 p/

бүлади. Дастьлаб, катта текислик текис чиқмайды, чунки бүёк горизонтал суртмалар билан берилади. Агар бүёк бутунлай шаффоф бўлмаса, текислик ола-була бўлиб чиқади. Катта текисликни текис ёпиш учун қия штриховка усулини кўллап керак. Мўйқалам ҳаракати $30\text{--}45^\circ$ бурчак остидаги штрихлардан иборат аррасимон бўлиши керак.



Сув оқими бу штрихларни вертикал йўналишда тушлайди. Штрихларнинг қия бурчакли йўналиши ва сув оқиши натижасида катта жойнинг текис туси ҳосил бўлади, қа-

ламнинг қия штрихи билан қоғознинг катта жойини текис пардоз бериш керак бўлгандаги суратга ўхшаш. Кўпинча бундай ҳолда катта мўйқаламни оладилар, аммо улар бенуқсон текис юзани бера олмайди ҳамда улар билан силуэтларнинг майда деталларини ишлаш қийин. Бу ерда асосийси бутун қоплама давомида қўлнинг бир хил ҳаракатидан иборат бўлади. Бўёқни текис сурта оладиган киши кейин доим бўёқли доғга ҳар қандай тузатишлар қила олади.

Кия штриховка, шунингдек, пастга оқиши ва ишни бузиши мумкин бўлган бўёқни катта массага йигилишига йўл кўймайди; штриховка бўёқни майда томчиларга ажратади, у когозда яхши ушланади ва ишга бўёқ оқиб кетиш хавфини бартараф қиласди, подрамникнинг вертикал ҳолатида қўркмай ишлаш имконини беради, бу эса лессировкали бўёқлар техникаси учун ва бажарилаётган ишни ҳар томондан яхши кўриш учун муҳим вазият ҳисобланади.

Яхши мўйқалам ингичка чизиқ ва кенг юпқа қатlam беради. У бўёқ билан тўйинган бўлиши ва катта шаффоф додларни суртиш ёки факат нам бўлиши ҳамда фактурали қоғоз зарраларининг устинигина бўяб, узук-узук штрихларни суртиши мумкин. Бу техник имкониятларни назардан қочирмаслик керак; мўйқаламнинг бир хил тегиши билан ишланган тасвир, мўйқалам имкониятларидан тўлиқ фойдаланилган бошқа тасвир билан ёнма-ён турса, ғамгин таассурот беради.

Мўйқаламдан фойдаланишнинг техник кўникмалари хомаки суратлар чизганда, мўйқалам билан сурат ишлаганда ривожланади. Мўйқалам билан ишлаш қалам билан ишлашга нисбатан шундай афзалликларга эгаки, мўйқалам катта жойларни кераклича тус билан дарҳол ёпади ва шу билан бирга ингичка чизиқларни ҳам бажаради. Мўйқалам предметни яхлит идрок қилишга ва унинг умумий шаклини бир онда сезишга ёрдам беради. Аммо мўйқалам билан ишлан-

ган суратни қалам билан ишланган суратга қараганда түгрилаш қийинрок; бу қофозга тегилгунча предмет хакидаги ўз тасаввурларини текширишга ўргатади, чизаётган одамдан диққат билан қарашни, интизомни, вазминликни талаб килади ва техник башоратни, яъни олдиндан кўра билишнинг ривожланишига кўп жиҳатдан ёрдам беради. Мўйқалам билан ишлаш «етти ўлчаб, бир кесишга» ўргатади.

Рангтасвир академиги С.В. Ноаковский ишлаган суратлари мўйқаламни моҳирлик билан ишлатиш намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин, уларда мўйқалам ўткирлиги бўёқ бериш кенглиги билан бирлашади (40-расм). Куруқ мўйқалам ёритилган қисмнинг фактуравий юзасини кўрсатиб, узок планлардаги шаффоф сояларда нам мўйқаламга қарама-карши қўйилади. Ёрқин ёруғлик билан ёритилган предметлар шакли қуруқ ишловчи мўйқалам билан ифодаланади; сояларнинг ярим қоронғилигини тасвирлашда иш нам юзада бажарилади.

Миниатюравий деталлар учун юпқа, ўткир мўйқаламларга, катта фон юзалари учун кенг мўйқаламларга эга бўлиш керак. Енгил лессировкалар учун юмшоқ мўйқаламларга ва қўпол бўрттиувчи фактуравий суртмалар учун чўткага (щетина), шунингдек, яssi ва юмалоқ мўйқаламларга эга бўлиш керак.

Бир мўйқалам билан ишлаш одати бир хил техникага ва мўйқаламни сув билан тинимсиз чайишга олиб келади. Хилма-хил мўйқаламларнинг ўнта ёки дюжинали (ўн иккита) тўплами кўп жиҳатдан акварелчининг мақсадга мувофиқ, жонли техникасига ёрдам беради.³

Чўткалар

Рангтасвирда мойбўёқда ишлаш учун «шчетинние», «япалоқ» ҳар хил ҳажмдаги чўткалар, нозик жойлашларини ишлаш учун «колонок» чўткалар ишлатилади.

³ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-13 p/

Иш тугаллангандан сүнг чўткаларни, албатта, илиқ сувда совун билан ювиб, қуритиб қўйиш керак, уларнинг учлари бир текисда бўлиши учун коғозга ўраб, банкада тукларни тегага каратиб қўйилади.



Палитра

Палитра – 30x35 см ҳажмдаги фанерадан ёки оқ оргстеклодан килинган текислик. Бўёқларни палитрадан тозалаш учун маҳсус пичоқлар – «мастихин» ёки шпател ишлатилади.

«Холст» – мой бўёқقا ишлатиладиган мато. Мато «подрамник» – тахта рамкада тортилиб, юзасида ишланади. Рамка – тахтанинг бурчаклари мато тортилганда қийшайиб кетмаслиги учун мустаҳкам бўлиши керак. Холстга ёзиш, тайёрлаш учун асосий вазифа уни ашёлашдир. Ашёлаш учун куйидаги фоизда ашё (грунт) тайёрланади.

Клей (ёғоч елими ёки желатин) – 10-15 гр.

Сув – 200 гр (1 стакан).

Цикл порошоги ёки бўр – 100 гр (1-2 стакан).

Грунт матога мой ва бўёқлар сингиб кетишидан саклайди. Бўёқларни матога ёпишиб олишига грунт ёрдам беради.



Бүёкларнинг тозалигини ва ёрқинлигини сақлайди. Грунт яна бир неча хилда бўлади: «полумасленний грунт – ярим мойли», «эмulsionний грунт», « мойли грунт». Матодан ташқари мой бўёкли рангтасвирда этудлар ишлаш учун қалин картон олиб, уни ҳам юқорида айтиб ўтилгандай ашёлаб ишлаш мумкин.

Гуаш

Гуаш бўёги ўзининг тузилишида сув бўёқдан жуда ҳам фарқи катта, таркиби сув бўёқка ўхшаса-да, унинг асосий фарқи у билан бўялганда тиник ранг бермайди, чунки унинг таркибида оқ бўёқ бор. Гуашь билан катта текисликларни бир текисда бўяш мумкин, унда тўқ оч бўёқни осон бекитади. Лекин қалин мазокда ишлаш эҳтиёткорликни талаб қиласди, чунки қалин мазок ёритилиши ёки кўчиб кетиши мумкин. Булар қоғозда ёки картонда ишлаганда бўлади. Гуашь бўёкларнинг тўқ ранг жойлари куриганда очариб кетиши анча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун, иш бошлашда шулар-

ни ҳисобга олишга түғри келади. Иш давомида бўёқларга оқ (белила) ранг қўшишга унча қизиқиб кетиш керак эмас. Этюдлар ранги ўчиб, оқариб кетади.



Темпера


Темпера бўёги ўзининг мустаҳкамлиги жиҳати билан мой бўёқдан анча устун туради, унда дастгоҳли рангтасвир ва декоратив композициялар ишлаш мумкин.

Темпера бўёқлари пигментлар ва уни қориширадиган эмулсиядан иборат. Эмулсиянинг таркибиغا қараб темпера бир неча хилдан иборат. Темпера бўёқлари сувда аралаштириб ишлатилади. Темпера бўёқларда кўпинча тахта-рамкада тортилган матога ишлатилади. Уни ашёлаш худди мойбўёқ учун тайёрлангандек тайёрланади.

Мойқаламлар темпера бўёқлари учун шчетинновий, колонковий ва беличлар ишлатилади. Тэмпера учун чинни ёки пластмассали палитралар ишлатилади.

Темпера бўёқларида ишланган асарлар ёрилмайди, бўял-

ган жойлари яхши сакланади. Ўзининг ёруғ ва тоза рангларини жуда кўп саклайди. Темперанинг декоратив жиҳати маҳобатли асарларда кўп қўлланамади. Темпера бўёгини тушуниш учун темперали рангтасвирда аввал унча қийин бўлмаган икки-уч предметдан иборат натюроморт қўйилади. Предметлар содда қўринишда бўлиб, натюроморт фонига унча очик рангли бўлмаган мато қўйилади.



Ҳар қандай бўёкларнинг энг муҳим техник хусусияти уларнинг тузилиши, шаффофлиги, ёргулиги, тўйинганлиги ва чидамлилигидир. Ҳамма бўёклар ранг-баранг ва боғловчи моддалардан таркиб топади. Бўёкларнинг ранг-баранг мосдаси ёғли, мойли, темпера ва бошқалар; бўёқ турларининг

фарқи турлича тайёрланиши ва бўёқ зарраларининг ўзаро ва картина текислиги билан алоқасининг конструктив ишини бажарувчи боғловчи моддалар таркиби билан белгиланади. Боғловчи модда бўёқларнинг асосий техник хусусиятларини белгилайди ва уларнинг рангтасвирда қўлланиш усул ва йўлларига таъсир этади.

Бўёқ ранги ранг-туси, ёруглиги ва тўйинганлиги билан белгиланади. Ранг-туси деб бўёқнинг шундай ҳарактеристикасига айтиладики, ёруғлик тўлқинларининг 400 дан 800 миллимикронгача узуилиги билан ифодаланган бўлиши мумкин ва ёруғлик ҳамда тўйинганлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда куёш спектри шкаласида маълум ўринга мувофик келади. Яъни масалан, оч охра, табиий сиена, неаполитан сариқ ва тўқ сариқ кадмий спектрал шкаланинг битта ранг тузи, сариқ-тўқ сариқ атрофида гурухланади. Ранг жиҳатидан, яъни ўз тўлиқ колористик ҳарактеристикасига кўра тўқ сариқ кадмий спектрал шкалада кўрсатилган жойга кўпроқ яқин келади. Охра, хусусан, сиена кадмийдан анча тўқ; неаполитан сариқ ундан сезиларли очроқ. Агар тўқ сариқ кадмийни олсак ва унга озгина қурум қўшсак, аниқликнинг баъзи даражасига эга охрага яқин ранг олиш мумкин. Охра ўз навбатида камгина қора кўшиш билан ранг жиҳатидан табиий сиенани эслатади. Агар тўқ сариқ кадмийга белила кўшилса, яқинлашувнинг баъзи даражаси билан неаполитан сариқка яқин рангни олиш мумкин. Ушбу ҳолатда олинган бўёқлар бир ранг тузи билан бирлашади ва ёруғлиги ҳамда тўйинганлиги билан фарқланади.

Хилма-хил рангдаги бўёқлар уларнинг бўёвчи моддалари тузилишининг тафовути туфайли ўз техник хусусиятларига кўра бир хил эмас; йирик заррали ва майда заррали бўёқлар мавжуд.⁴

⁴ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-15 p/

Акварелда баъзи бўёклар (майда зарралилар) сувда тўлиқ эрийди ва қозгани юпқа катлам билан коплайди, бошқалари (ирик зарралилар) сувда муаллак ҳолатда бўлади ва қозгани майда зарралар катлами билан қоплайди. Уларнинг аралашмаси бир хил эмас ва суртганда текис тус бера олмайди. Агар иш дархол, такрор қопламларсиз бажарилса, ёки турли ранг бир-бирига ўтишларини бериш керак бўлса, турли хил бўёкларнинг бирлашуви жоиз.

Коришмани такрор суртишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Юпқа бўёклар қозгоз билан мустаҳкам бирлашади. Дағаллари эса эриб, мўйқалам билан олиб ташланади. Натижада, кир жой ҳосил бўлади. Агар иш узок вақт олиб борилса ва мурракаб ранг аста-секин керакли кучгача етказилса, кир килмаслик учун қозгоз билан мустаҳкам бирлашадиган ва кейинги бўёклар билан ювилиб кетмайдиган юпқароқ бўёклардан бошлаш керак. Кейинги қопламларга ҳожат қолдирмайдиган ирик зарралилар билан яқунлаш керак.

Ирик заррали бўёкларнинг ноўрин қўлланиш намунаси бўлиб равоқдаги катта ва чукур соя тасвири хизмат қилиши мумкин. Уни бир мартада килиш мумкин эмас. Албатта, ёритилган деворга нисбатан тус муносабатига эришиш мумкин, аммо заррали бўёклар суртилган соя текислигининг ўзи доим сезиларли фактурага эга бўлади ва чукур туйнукка нисбатан кўпроқ қопқоқ тасаввурини беради.

Юпқа бўёклар узокдаги фазовий планлар, соялар, айникинса, чукур соялар, текис силлиқланган предметлар, металлар, ойна, ипак, силлиқланган мебель, фарфор ва шу кабиларни яхши ифодалайди.

Ирик фактурали бўёклар, аксинча, олдинги планларни, ёритилган жойларни, кўпол фактурали предметларни: тош, лой вазалар, бахмал ва шу кабиларни яхши ифодалайди. Бўёклар донадорлигидан усталик билан фойдаланиш доим

самарали. Аммо кирдан қочиш ва бўёқ қатламининг кўпроқ шаффофлигини сақлаш мақсадида уларни суртиш кетма-кетлигини эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бўёкларнинг шаффофлиги уларнинг донадорлигига боғлиқ. Йирик заррали бўёклар – кам шаффоф; юпқалари анчагина шаффофликка эга. Ўқувчига бўёкларнинг шаффофлиги ҳақидаги баъзи асосий маълумотларни эслатамиз.

Шаффоф ёки лессировкали бўёклар нур сочади, улар остидан ёруғ асос яхши сезилади; кам шаффоф бўёклар ёмон нур сочади. Улар ўз асосини беркитади ва қопловчи ёки бўрттириб берилган бўёклар деб аталади. Нур сочувчи-просвечиваюший бўёклар ранги улар шуълада кўринганида ва ёруғлик асос томонидан кучли акс этганда кўпроқ сезиларли. Агар масалан, шаффоф зумрад-яшил бўёқ билан оқ қоғозни қопланса, ранг яхши сезилади; қорада деярли йўқолади. Агар қоплорвчи бўёқни, сарик кронни олсак, бўёқ ранги оқ қоғозда ҳам, қора қоғозда ҳам кўринарли бўлади. Қопловчи (йирик заррали) бўёклар айтилганидек, предметларнинг ёритилган қисмларини яхши ифодалайди, шаффоф (юпқа) бўёклар сояларни яхши ифодалайди. Қопловчи бўёкларга белила, сарик крон, баъзи охралар, сурик, яшил хромли, кобальт, ультрамарин ва бошқалар киради; шаффофорқ бўёкларга – сажа, краплак, зумрад ранг яшил, Берлин лазури ва бошқалар киради. (33, 34-расмлар)

Бўёкларнинг энг муҳим техник хусусиятларидан бири уларнинг ёруғлиги ҳисобланади. Белила энг оч рангли бўёқ, қора – энг тўқ.

Оч рангли бўёклар бошқа, масофадан яхши сезиладиганлар орасида туртиб чиқкан рельефни яхши ифодалайди, айниқса, тўқ фонда. Бундай хусусият билан оқ, сарик, тўқ сарик, саргиш-яшил ва оч кизил бўёклар фарқ қиласди. Аксинча, қора, бинафша ранглар, тўқ кизил, кўк бўёклар назар-

дан четда қолади. Ёруғ фонда тескари манзарани кузатиш мумкин.

Күёш спектрига караганда масалан, гүё у цилиндр юзада жойлашганини сезиш мумкин. Холбуки, күпроқ дүңг жойи сарик рангга ва унга аралаш түк сарик ҳамда сарғиши-яшилга мувофиқ келади. Колган ранглар узоклашувчи цилиндр юза бүйлаб орқа планга ўтгандек тасаввурни беради.

Сезиларли рельефли ёки ёркин ранглар тасвирий ишда муҳим. Махобатли рангтасвирда, масалан, катта оралиқда дүңг жойларнинг фигуранлари ёки рельефлар учун ранг ташлашда ёруғликни, бўёқларнинг сезиларлигини ва уларни ўраб турган фонни аҳамият билан инобатга олиш зарур.

Архитектурада катта оралиқда ранг ёркинлиги катта шаҳарсозлик аҳамиятига эга. Масалан, катта ялангликларда турган Рус архитектурасининг ёдгорликлари доим оқ, сарик, баъзида түк сарик ва оч қизил тусга эга бўлади.

Бўёқнинг тўйинганлиги деб унинг маълум ранг билан тўлганлик даражасига айтилади. Агар киноварь ва қизил охрани таққосланса, улар спектрдаги бир жойга мувофиқ келади, аммо киноварь сезиларли жўшқин ва ёруғроқ, яъни ёркинроқ, қизил охра эса кам тўйинган ва тўқрок.⁵

Бўёқларнинг тўйинганлигини ўрганиб, тўйинганлиги ва ранги бўйича турлича бўлган бўёқларнинг ҳамроҳ хусусиятларига қараш керак. Бу ҳамроҳ хусусиятлар баъзи ишларда катта аҳамият касб этади. Масалан, киноварь тўйинганлиги ва рангнинг спектрал тозалиги билан бир қаторда қизил охрага нисбатан шаффофлик каби қўшимча техник хусусиятга эга. Шу туфайли киноварь ишда ранг жўшқинлиги етакчи бўлганида, қўшимча талаб шаффофлик, ранг енгиллиги ҳи-собланганда афзалрок. Аксинча, қизил охра, бўёқ зичлиги ва хира жўшиқинликнинг мураккаб туслари унинг тўйинганли-

⁵ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-17 p/

гидан мұхимрок бүлганды зарур. Агар ботаёттан қуёшнинг қизил нурлари билан ёритилған енгил булаттар ишланса, қарда жұшқинлик, қизил бүекнинг енгиллиги ва шаффофлигі ёки ёрқин қизил гуллар керак бўлса, рангнинг максимал жўшқинлиги керак бўлган жойларда киноварни ишлатиш керак бўлади. Агар маҳобатли оғирлик мұхим бўлган ғиштли бино ишланса, унда қизил охра ушбу тасвир учун энг мос материал бўлади.

Палитрани тузишда бўёқларнинг қўшимча хусусиятлари умуман аниқ-равшан бўлиши учун оддий спектрал ранглар атрофида турлича тўйинган бўёқларни гурухлаштириш керак.

Бўёқларни аралаштиришда уларнинг ранги, тўйинганлиги ва фактурасини инобатга олиш зарур. Ранги бўйича уларни оддий, спектрал ва мураккабларга ажратиш мумкин. Оддий деб бошқа бўёқлардан ташкил қилиш мумкин бўлмаган бўёқларга айтилади. Оддий бўёқлардан қолган ҳамма бўёқларни ҳосил қилиш мумкин. Кўринадиган спектрга кирган ёки тўлиқ рангли спектр тузиш мумкин бўлган рангларга спектрал ранглар дейилади. Мураккаб бўёқлар- табиатда учраши мумкин бўлган бошқа барча бўёқлардир.

Оддий бўёқлардан учтасини санашиб мумкин: сариқ, стронцийли-лимон-сариқ тусли; кейин қизил, краплак-қизил-пушти тусли, ва ниҳоят кўк лазурь- мовий тусли.

Спектрал рангларни оддий бўёқлардан ҳосил қилиш мумкин. Масалан, яшил ранглар лазур ва лимон-сариқ ранглардан ҳосил қилинади. Қизил ранглар пушти-қизил ва сариқдан ҳосил қилинади.

Тўқ кўк, бинафша ранг, тўқ қизил ранг лазур ва краплакдан. Ҳамма мураккаб ранглар оддий ёки спектрал ранглардан оқ ёки қорани қўшиш билан ҳосил қилиниши мумкин.

Назарий фикрлаб, бешта бўёқ билан ҳам ишлаш мумкин деб айтиш мумкин. Палитрада учта айтиб ўтилган оддий бўёқка эга бўлиш етарли, уларга фақат белила ва сажани қў-

шиб. Агар рангтасвир фактат ранг тусини ифодалашга олиб борса, бу етарли бўлган бўларди. Аммо рассомнинг бадиий тасвир усули анчагина мураккаб. Ранг ва рангтасвир ҳарактеристикасига, ранг туси билан бирга бўёкларнинг фактура, шаффоффлик, тўйинганлик, ёруғлик каби хусусиятлар киради. Ҳамма бу хусусиятлар картина бўёк катламининг мураккаб тузилишини юзага келтиради ва томошабинда ранг хисиётларининг туганмас хилма-хиллигини ҳосил қиласди.

Фактурали бўёқлар рангта катта сезилувчанлик, предметлилик, материал мустаҳкамлиги, асослилик бахш этади. Ноzik бўёқлар рангга фазовийлик, юмшоқлик, равшанлик бахш этади. Бўёкларнинг бу хусусиятлари техника ва нигоҳий хисиёт бўйича рангтасвирнинг мураккаб моддасини ҳосил қиласди ва амалда отиб юборилиши мумкин эмас. Улар ранг туси билан бирликда рангтасвирнинг кимматбаҳо қадр-қимматини ташкил этади.

Бўёкларни аралаштирганда, шунингдек, ранг пигментининг жўшқинлигини эътиборга олиш керак. Бир хил бўёқлар жўшқин бўёқ моддасига эга, улар рассомнинг палитрасида «кучли бўёқлар» ҳисобланади, уларни бўёвчи моддага бу аралашма қўшилаётган бўёқ рангига кириши учун озгина миқдорда қўшиш кифоя. Бошқаларини бўёвчи моддага унинг ранг тусига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши учун катта миқдорда қўшиш керак.

Бўёқларни аралаштирганда, шунингдек, уларнинг фактурасини эътиборга олиш керак. Турли фактуравий бўёқлардан ташкил тошган бўёвчи қоришма етарли бўлмаган шаффофф бўёвчи катлам беради. Корпусли бадиий тасвир усули учун йирик зарали бўёқларни бирлаштириш, лессировкалилар учун сувда яхши эриганларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ.

Бўёқларни аралаштирганда эътиборга фактат ранг ҳарактеристикасини эмас, уларни ташкил қилишининг уч техник

усулини қабул қилиш муҳим биринчидан, бўёқларнинг майдада суртмаларини мозаик бирлаштириш усули, иккинчидан, оддий механик қоришма усули ва учинчидан, мураккаб рангни олиш учун бўёқнинг бир қанча шаффоф қатламини кетма-кет суртишнинг лессировка усули.

Биринчи ва учинчи усуллар рангтасвир характеристикаси бўйича ўзаро қарама-қарши: агар биринчи мозаика усули майда, заррали тузилиш, хис қилишнинг бўрттириб берилганлиги билан характерланса, иккинчи, лессировкалаш усули кенг, шаффоф, юпқа плёнкали тузилиш, бўёқларнинг юмшоклиги ва тўйинганлиги билан характерланади.

Акварелда бўёқ қатламини тузища қуидаги қоидаларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, бўёвчи қатламнинг дастлаб иссиқ тусларини қўйиш, совукларни охирида қўйиш керак. Бошида қўйилган совук туслар назардан йўколади, айниқса, мовийнинг ёруғ туслари, ва кир қогоз тасаввури ҳосил бўлади. Мойбўёкли рангтасвирда рангли тайёргарлик фақат иссиқ тусларда мақсадга мувофиқ. Ранг тайёргарлигининг совук туслари фақат ёпилмай колган жойларда сезиларли бўлади, масалан, ойли ва хира ёруғда оқ предметларни тасвирлаганда ёритилган жойларда. Тайёргарликнинг иссиқ туси иш жараёнида яхши сезилади ва якунланган мойбўёкли картинада сакланади.

Иккинчидан, анчагина шаффоф лессировкали бўёклардан бошлиш керак. Улар яхшироқ нур сочади, асос билан мустаҳкамроқ бирлашади. Акварелдаги кўпроқ шаффоффдан озроқ шаффофликдаги бўёклардан тузилган бўёвчи қатлам доим мустаҳкамроқ, ранг жиҳатидан тозароқ ва фактура бўйича ёқимлироқ бўлади. Тескари тартибда қўйилган бўёклар аралаш, ношаффоф кир ранг ҳосил қиласди.

Серёғ бўёқларнинг чидамлилиги кўнгина, холатларга боғлик бўлиб улар: бўёвчи модда, боғловчи ва уларнинг ара-

лашмаси. Акварелнинг чидамсизлигининг асосий сабаблари: биринчидан, баъзи бўялувчи моддаларни кучсизлантирувчи ёргулик, айниқса, сунъий келиб чиккан бўлса, бунинг окибатида бўёқлар айнийди; иккинчидан, қофоз ва мойли бўёқ таркибиға киравчи елимни чиритадиган намлик ва бўёқлар айнийди; учинчидан, аралаш бўёқларнинг ўзаро кимёвий тасири.

Коронгу ва қуруқ кутубхоналарда юз йиллар давомида сақланган қадим қўлёзмалардаги серёғ миниатюралар бўёқларнинг дастлабки софлигини саклаган. Аксинча, ёруг ва нам жойда осилган аквареллар таниб бўлмас даражада ўзгаради.

Мустаҳкам бўёқлардан палитра ҳосил қилиш учун ҳар бир бўёқни ёруғга, намлика ва қоришмада текшириш керак. Бундай текширишни кейинги ишларнинг сақланишини назарда тутиб, текширилмаган материалнинг кириб қолишига мувофиқ тинимсиз олиб бориш керак. Бунинг учун қофознинг кичик листини олиш ва уни синалаётган бўёқларнинг горизонтал йўллари билан қоплаш, уч вертикал бўлакларга қирқишиш керак, биттасини қуруқ жойга беркитиш керак бўлган китобга қўйиш, бошқасини қуёш кўп ёритиб турадиган деразага маҳкамлаш, учинчисини бирор нам жойга қўйиш керак. Бироз вақт ўтгандан кейин қиркилган тасма коғозларни бирлаштириш керак ва шунда ҳар бир бўёқ ва унинг аралашмаларининг мустаҳкамлиги кўринади. Текшириш натижаларига кўра ишончли бўёқлар палитрасини тузиш керак.

Палитрани тузишда техник хусусияталрини текшириб кўриб, бўёқларнинг бир неча тўпламига эга бўлиш мумкин. Улардан энг яхши бўёқларни танлаш, мустаҳкам бўёқларнинг битта катта палитрасини ташкил қилиш керак. У ерда улар ранги бўйича, шаффошлиги ва бошқа техник хусусиятлари бўйича гурухланади.⁶

⁶ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-19 p/

1.2. Тасвирлашнинг қонун-қоидалари

Дастур талабаларнинг ўз олдига қўйган топпирикларни бажаришда буюмларнинг ташки кўринишидаги майда бўлакларига берилмасликни ҳамда тасвир бажаришни чизикли конструктив асосда, буюмнинг пластик хусусиятини тўла ҳис килган ҳолда иш юритишни талаб этади.

Перспектива – тасвирланаётган буюмлар, ушбу буюмнинг қайси томонидан кўринишидан қатъи назар (узоқдан, яқиндан, юкоридан, пастдан, тўғридан ва чеккаддан), чизувчига ўзгариб кўринади.

Перспектива қонунлари мукаммал ўрганиб олиб, ҳар қандай буюмнинг кўринар ва кўринмас томонларини тўғри тасвирлаш мумкин.

Перспектива қонунларининг асосий хусусиятлари шундаки, буюмлар қандай катталиқда бўлмасин, чизувчидан узоқлашган сари ва текисликда қандай жойлашганига қараб перспектив қисқаради.

Фазовий перспектива – буюмларнинг бўшлиқ таъсирида қисқариб кўринига айтилади. Фазо – тиниқ муҳит. Лекин унинг тиниқлиги табиатнинг турли ҳодисалари таъсирида ўзгариб туриши мумкин.

Фазовий перспективанинг асосий қоидалари қўйидаги-лардан иборат:

- бажарилаётган тасвирда рассомга якин бўлган буюмлар аник, узоқдагилари эса умумий кўринади. тасвирда фазони сездириш учун якин масофада жойлашган буюмларни яккол, узоқдагиларни эса умумий тарзда тасвирлаш керак.

- фазо кенглигига жойлашган буюмлар чизувчидан қанчалик узоқда жойлашган бўлса, хира тусда кўринади. тасвирда фазовий перспективани тўғри кўрсатиш учун узоқда жойлашган буюмларни озрок енгил, олдинги қатордаги буюмларни эса аниқ тасвирлаш керак.

– яқин масоқада жойлашган буюмлар фазода аниқ ҳажмли бўлиб кўринади, узоқдагилари эса хиарок кўринади. тасвирлашда ҳам бу тартибга риоя қилмок зарур.

– чизувчидан узокроқ жойлашган буюмлар, атмосфера босими таъсирида сиёхранг, ҳаворанг ва оч тусда кўринади. Фазовий перспективани янада кучлироқ кўрсатиш учун яқин масофадаги яққол кўриниб турган буюмларни ўзининг ҳақиқий ранги ва тусида аникров чизгилар билан, узоқдагиларни эса очроқ қилиб тасвирлаш керак.

Олдинги қаторда жойлашган буюмлар ҳақиқий ўз тусида узоқдагилари бир хил бўлиб кўринади. фазовий перспективанинг бу қонуни рассомдан олдинги масофада жойлашган буюмларни яққол, узоқдагиларни эса умумий тарзда хиарок қилиб тасвирлашни талаб этади.

Сурат текислиги – тасвирланаётган натюроморт, манзара, портрет ва ҳоказолар билан рассом орасидаги фазога айтилади. Ёргулук чизилаётган буюмга тушиб, рассомга унинг шакли кўринади. Шундан кейингина, рассом уни идрок этиб, тасвирлашга ўтади. Сурат текислиги рассом билан натура ўртасидаги восита бўлиб хизмат қиласди.

Буюм текислиги – тасвирланаётган буюмнинг жойлашган текислигига айтилади. Буюм текислиги вазифасида стол, пол, ер ва бошқа чизиш учун мўлжалланган мослама бўлиши мумкин.

Кўриш майдони – бу чизувчининг тасвирланаётган буюмни кўриш вақтида ҳар томонлама қамраб олишdir. Рассом тасвирланаётган объектдан қанчалик узоқлашиб борса, унинг майдони ҳам кенгайиб боради, бу эса тасвирланаётган объектнинг ҳамма қисмларини аниқ кўриш ва тасвирлашга имкон яратади.

Уфқ чизиги – кўзимиз баландлигидан ўтадиган нурга айтилади. Буни аниклаш учун қаламни олиб, уни горизон-

тал ҳолатда кўзимиз даражасигача кўтариб, уфқ чизигини аниқлашимиз мумкин. Буюм чизувчига уч ҳолатда кўриниши мумкин.

Уфқ чизигидан юқори.

Уфқ чизигидан пастда.

Уфқ чизиги баландлиги даражасида.

Ёруғлик – жисм юзасига тик тушувчи қуёш ёки сунъий ёритгичларнинг буюм юзасида ташкил этган нурга айтилади.

Соя – буюмларнинг ёритилган қисмининг орқасига ёруғлик нурлари тушмаган қисмига айтилади. Бундай сояларни яна шахсий соя деб ҳам юритилади. Тасвиirlар бажарилишида тушувчи соялар ҳам кузатилади. Шу соялар буюмларнинг бири иккинчисини тўсиши натижасида ҳосил бўлади.

Чизиқли конструктив тузилиш – тасвиirlаш учун буюм қандай содда ёки мураккаб бўлишидан қатъи назар, у конструктив тузилишга эга.

Конструкция – буюмни ҳаққоний қилиб тасвиirlаш учун тузилишини чизиқли конструктив асосда эканлигига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Чизиқли конструктив қуриш ҳар қандай вазифани тасвиirlашда амалга оширилади.

Буюмлар ўз ҳажмига эга бўлишдан ташқари нисбатларига ҳам эгадир. Бу эса буюмларнинг **нисбати** дейилади. Бир неча буюмлардан ташкил этилган қўйилмаларнинг ўз нисбатларидан ташқари ўзаро катта-кичиклигига қараб нисбатлари мавжуд. Ҳаққоний тасвиirlашда буюмлар нисбатини тўғри аниқлаш катта аҳамият касб этади. Буюм нисбатларини тўғри аниқлаш ва тасвиirlаш қуйидаги усулда амалга оширилади.

Ҳажмлар – ҳар бир буюм ўзининг ҳажмига эга. Унинг ҳажми қирралари, юзаси ва бошқалар билан белгиланади. Агар буюмнинг ҳажми тўғри чизиқлардан иборат бўлса, унинг ҳажми ҳам текис юзасидан иборатdir.

Чизматасвирдан академик машқлар бажариш билан бир қаторда, күплаб ҳомаки қораламалар (наброскалар) ҳамда қиска муддатли қораламлар бажаришлари ёшларнинг ушбу фанни юқори даражада ўзлаштиришларида катта омил вазифасини үтайди. Бажарилётган вазифаларнинг сон ва сифат даражалари Давлат таълим стандартлари ўқув ва ишчи дастурлари асосида бўлишини тақозо этади. Шунингдек, уни назорат қилиш гурух раҳбарининг доимий кузатуви остида кечади. Чизматасвир фанига бундай ёндашиш талабаларнинг борлиқдаги шакллар ва инсон қоматини қиска вақт ичидагиза олиш, вазифанинг ҳарактерли қисмларини бўрттириб кўрсатишлари, иккинчи даражалиарини эса унча кўзга ташланмайдиган қилиб моҳирлик билан бажариш қобилияtlарининг ўсишига олиб келади.

Талабалар чизматасвир бўйича қанчалик кўп амалий машқлар бажарив, шакл ва ёргуғ-соя жилоси устида машғулотлар олиб борсалар, улар шунчалик чизматасвирнинг сирасорларини маҳорат билан ўзлаштирадилар, пухта билимга ва аниқ талаб қилинган композицион ечимларни бажариш қобилиятига эга бўладилар. Талабалар нафакат чизматасвирни маҳорат билан бажаришни уddyalay олишлари, балки буюмларнинг хусусиятлари ва уларга ишлов беришни ҳам чукур даражада бажара олишлари керак. Танланган касб соҳасини изчил ўрганиб, иш юритиш билан бирга буюмлар хусусиятлари хақидаги билимларни назарий ва амалий чамбарчасликда боғлаб иш юритиш фаннинг асосий шартидир.

1.3. Рангтасвирда ишлаш усуллари

Тасвирий санъат қадимги ва кенг тарқалган санъат турларидан биридир. Қадимги одамлар бир-бирларига фикрлапши, муносабатларини, истакларини ва шунингдек, турли хатти-ҳаракатларини чизиқлар, оддий формалар, примитив

тасвирлар оркали етказишга интилганлар. Ибтидоий жамоа даврига мансуб ўнлаб горларда тасвирий қолдиклар топилган. Улардан бири Зараутсой горидир.

Тарихий ёдгорлик «Зараутсой» горида ов манзарасидаги турли расмларни кузатиш қадимги одамларнинг ҳаётини, турмуш тарзини жонли тасаввур қилишга ёрдам беради. Ибтидоий одамлар ҳаётида овчилик асосий меҳнат турларидан бўлган, шунинг учун инсоният ва ҳайвонот ўртасидаги кураш манзаралари кўплаб учрайди.

Зараутсой горидан топилган тасвирида одамларнинг ёввойи буқага тош ва найзалар отиб, сўнгра уни тикка қоядан пастга тушириб юбориш саҳнаси тасвиrlenган. Тасвирларнинг жуда содда бўлишига қарамасдан айтиш мумкинки, улардаги ҳаётийлик, натурага нисбатан бўлган кузатувчаник ҳолатлари кишини лол қолдиради.

Ибтидоий давр одамлари коя ва тошларга кўмир билан турли тасвирларни тушириб, устидан ўткир тошни юргизиб чиққанлар, кейин эса тасвирларни пушти ранг билан бўягандар. Шуни таъкидлаш лозимки, аксарият тасвирлар афсонавий ва турли маросимлар асосида ишланган (ритуал) характерга эга бўлиб, инсонларнинг ўша даврдаги дунёқарашларининг дастлабки кўринишларини ўзида мужассамлаштирган.

Қадимги рангтасвир санъати. Тасвирлашга нисбатан бўлган қизиқиши инсонларни қадимдан ўзига жалб этиб келган. Чунки, у ибтидоий давр одамларига ўзаро мулоқот қилиш, сўзлашиб учун зарур бўлган. Тарихдан маълумки, тасвирларнинг аксарияти овчилик билан шуғулланиб келган қадимги одамларнинг ҳайвонларни қандай ов қилганликларига асосланган. Улар ҳайвонларнинг юрган йўлларини кузатиб, коя ва ғорларда турли тасвир ва белгилар қолдиргандар. Вакт ўтиши билан уларнинг тасвирлаш қобилиятлари ривожланиши натижасида ҳар хил ов манзаралари ўзига хос дастлабки композиция ечимида эга тарзда акс эттирган.

Тасвирилш жараёнида талабалар табиатни кузатиш билан бир қаторда мавжуд нарсаларнинг тузилиш хусусиятларини ҳам ўрганадилар.

Тасвирий санъат ўз ўрнида ҳайкалторошлиқ, рангтасвир ва графика қаби турларга бўлиниади. Тасвирий санъат воқе-ликни, борликни шакллар, чизиқлар, ранглар, бўёклар сурт-маси орқали маълум бир текислиқда, юзада, маконда ва хо-казоларда ижодкор томонидан тасвирилайдиган санъатдир. Шунингдек, тасвирий санъат маҳобат ва дастгоҳ қўринишига эга. Маҳобат дейилганда, ҳажм жихатидан бир неча баробар катта меъморчилик, парк-боғ санъатига асосан эркин ижо-дий фаолият туфайли яратилган асарлар тушунилади, уларни хоҳлаган жойга қўйиш, намойиш қилиш мумкин бўлади.

Тасвирий санъатнинг бир-биридан бадиийлик ҳарактери ва жихатлари билан фарқ қилувчи хусусиятлари ҳақида тўх-талиш мақсадга мувофик.

Тасвирий санъатнинг турлари бир-биридан ишланиши, материали ҳатто ижодкорнинг ўзига хос мутахассис сифати-да алоҳида бўлиши туфайли ажralиб туради.

Рангтасвир асосан бўёклар воситасида матога, девор юзасига, шунингдек, бошқа жойларга ишланади. Тасвирининг мазмунни, ҳарактери ва шунга ўхшаш барча хусусиятлари бўёклар орқали ифодалаб берилса, бунга рангтасвир санъа-ти дейилади. Тасвирий санъатнинг бу турида ижодкорнинг ички кечинмалари, асарда акс эттирилаётган воқеа мазмуни намоён бўлади. Масалан, қизил ва қора бўёкларни қўшиб ишлатилиши фожиани акс эттирса, оч мовий ва яшил ранг-ларни ўзига хос боғлашлар натижасида тинч ва осойишталик ҳолатлари тасвириланиши мумкин. Рангтасвир санъати жози-бали ва қизиқарлилиги билан нафакат ўзлаштиришда, ҳатто уни ўқий билиш, идрок эта билишда ҳам талабадан билим ва малака талаб қиласи.

Рангтасвир санъати ўз ўрнида монументал, дастгоҳ ва декоратив безак кўринишларига ажralади. Монументаллик меъморчилик билан боғлиқ бўлиб, унда ижтимоий ҳаёт воқеалари ўз аксини топади ва бу узок масофадан кўришга мўлжалланган бўлади.

Монументал кўринишдаги рангтасвир санъати ўз ўрнида фреска – тўғри девор юзасига ишланади. Мозаика турли ранглар, тошлар, шишалар, сирли сополларнинг деворда ишлатилишидир. Пано маҳсус тўртбурчак ичига олиб тасвирланади. Баъзида матога мойбўёқда ишланиб олиб, кейинчалик мўлжалланган жойга ишлатилади.

Декоратив рангтасвир санъати ўз номи билан кўриниб турибдики, безаш вазифасини бажаради, асосан театр, кино ва бошқа соҳаларда ишланади. Бундан жойларда рангтасвир санъатининг мазмуни бирданига юзага чиқавермайди. Декоратив рангтасвир санъати ҳаётнинг, инсоният турмуш тарзининг кўпгина кирраларига кириб борган. Тасвирий санъатнинг илмий-педагогик жиҳатидан ўрганишда жанрларига эътибор берилади.

Портрет жанри – инсоннинг юз қоёфасини ички психологияк олами билан боғланган ҳолда тасвирланади. Аниқ бир образ яратилиши портрет санъати деб юритилади. Портрет инсоннинг тўла гавдаси, ярми ёки юз қиёфасининг факат ўзи ҳам бўлиши мумкин. Портрет яратиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, инсоннинг анатомик тузилишидан тортиб ички, руҳий, маънавий ва ташки кўриншидаги умумий хислатларини акс эттириш билан санъат даражасидаги асар бўлиши мумкин.

Натюроморт – ҳар бир рассом тасвирий сирларини ўрганишни натюроморт ишлашдан бошлайди. Буюмлар шаклини, ҳарактерини ўзлаштириш санъатнинг бошқа жиҳатларини ва турларини ўрганишдаги дастлабки сабоклар вазифасини

бажаради. Натюрморт санъат сифатида бошлангич вазифа билан чекланиб колади, деган маънони ифодаламайди.

Манзара жанри – табиатдаги турли кўринишларнинг тасвирий санъатда акс эттирилишидир. Тоғ, ўрмон, денгиз, шахар ва қишлоқ манзаларининг кўринишлари аниқ бир мазмунни бериб, ҳаётий маънони англатса ва шу кўринишлари мақсад-мазмунга эга бўлса, бундай асарлар манзара жанрига тегишилдири. Манзарачи рассомнинг шаклланишида ҳам ўзига хос сирлари мавжуд. Табиатни севиш, уни кузатиш, этюдлар устида ишлай билиш талаб килинади.

Этюдларда рассомнинг композицияий қараши, табиатдан унинг муҳим белгиларини, мавзуни ва ранг-баранглиги қонуниятларини мужассам этган типик мотивларни топа билиш хислатларини кўрамиз.

Тарихий жаир – асарларда тарихий воқеалар тарихий образларда акс эттирилса, батал жанрида тарихий жанг воқеалари, ҳарбий образлар тасвириланади.

Анимал жанри – мажозий образларни акс эттирувчи тасвирий санъат асарларидир.

Тасвирий санъат сирларини талабаларга ўргатиш учун назарий билимлар, тасвирий санъатнинг кўриниш, тур ва жанрлари бир қарашда оддий кўринишда бўлиши мумкин, бу билимлар бадиий таълим ва тарбия беришга ундайди.

Ижодкор қайси жанрда ишламасин, воқеа, ходисага баҳо беришда санъат нуқтаи назаридан қарайди.

1.4. Рангларнинг хусусиятлари

Ранг – бирор нарса, предметнинг хусусияти бўлиб, инсон уни кўзи билан кўриб, ақли билан идрок этади. Инсон рангни кўриш учун эса нур керак бўлади.

Нур инсоният учун жуда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Нур икки турдан иборат:

Табиј қүёш нури

Сунъий (ёритиш асбоблари) нурлари

Күёш нури шаффоф ёмғир томчиларига турли хил бурчак остида синиб, осмонда камалак ҳосил қиласы.

Нур бирор юзага тушиб, у ердан тұлық қайтса, бу предмет оқ ранг бўлиб кўринади.

Инсон кўзи билан ажратадиган барча икки хил, яъни, ахроматик ва хроматик рангларга бўлинади.

Ахроматик рангларга – оқ рангдан қора ранггача бўлган барча оралиқ ранглар киради.

Хроматик рангларга – оқ ва қора ранглар орасида барча кул ранглардан ташқари бирор тусга эга бўлган барча ранглар киради. Рангшуносликда учта асосий ранглар: қизил, сарик ва кўк ранглар мавжуд. Қолган барча ранглар шу учта рангларнинг аралашмасидан ҳосил бўлади.

1.5. Иссик ва совуқ ранглар

Ранглар ҳис қилинишига кўра иссиқ ва совуқ рангларга бўлинади. Иссиқ рангларга оловни, қуёшни эслатувчи ранглар: қизил, сарик, жигарранг ва улардан ҳосил бўлган бошқа ранглар киради. Совуқ рангларга қорни, музни эслатувчи ранглар: кўк, яшил, оқ ва улардан ҳосил бўлган ранглар киради.

Ранг контрасти деб, икки ёнма-ён турган рангларни бирбирига таъсирига айтилади. Ранг контрасти ахроматик ва хроматик контрастларга бўлинади.

Бўёвчи моддаларнинг майда зарраларини шуълада кўриб чиққанимизда бўёклар ранги кўз билан идрок қилинади. Бунда бўёклар ёрқинлиги улар кай даражада ёритилганлигини боғлик. Бўёқни биз рангли ойналарга эга деразаларда кузатганимиздек фақат тўгри ёруғлик эмас, бўёқ берилган ёруғ фондан акс этган ёруғлик ҳам, ёки ўша бўёвчи моддаларнинг пастдаги қисмларидан акс этган ёруғлик ёритиши мумкин.

Мойбүёк орқали оқ қоғоз билан акс эттирилган ёруглик, мойли рангтасвир бўёғи орқали – холст ёки досканинг ёруғ трунтидан, шунингдек, оқлайдиган хомаки бўёқ қатламидан акс этган ёруглик кўринади. Рангтасвир техникаси тарихидан маълумки, рангтасвир усталари кўп ҳолларда ўз картиналари учун ёруғ асос танлаганлар. Улар олтинда, эмалда, фил суюгидан ишланган пластиналарда ва ёруғликни яхши ўтказадиган бошқа материалларда ишлаганлар. Қадимги рус усталари рангтасвир доимо «нокечки ёругликда» кўриниши керак деб айтганлар. Рассом Рубенснинг холстларда ва доскаларда ишланган, ёнма-ён осилган картиналарини так-қослаганда шуни сезиш мумкинки, доскада ишланганлари холстдагилардан ёрқинроқ. Мойли рангтасвирида ўз афзалликларига эга холстнинг донадор фактураси ёругликни қайтаришнинг кам имкониятига эга. Доска левкасига суртилган бўёвчи қатлам сезиларли ёрқин бўлиб кўринади. Бўёклар суртиладиган конструктив асосга қўйиладиган асосий рангтасвир-техник талаб деярли доим унинг ёругликни қайтариш имконияти, бўёкларни ёритиш ва уларнинг ёрқинлигини кучайтиришdir.

Тўқ асосга қўйилган бўёклар ёритмайди ва хирадашади. Мойли лессировка бўёклари қора фонда зўрға сезилади ва ўзининг оддий ранг қуюклигини йўқотади. Фақат катта сиртқи акс тасвирга эга бўёклар ўз кучини саклайди, яъни оч рангли, ношаффоф бўёклар. Айниқса, қора фондаги олтин ва эмаль яхши сезиларли. Қора лак устида ишловчи палех усталарининг рангтасвири хирадашган шаффоф бўёклар ва тушаётган ёругликни ёрқин акс эттирувчи олтиннинг юпка қатламига эга қалин бўёкларнинг ёрқин нурларига эга чукур қора фон бирлашуvida курилади. Улар қора фон билан бир қаторда ўз композицияларига, айниқса, композицияларнинг марказий жойларида оч рангдаги тайёрлов қатламига эга те-

кисликларни киритадилар. Қора лак ва оқ левкаснинг контраст бирикувлари рангтасвир техникаси учун анчагина кенг имкониятлар беради.

Бүёвчи моддалар турли шаффофликка эга. Бирлари яхши ёритилади ва текис шаффоф катлам билан суртилади, бошқалари, ҳатто юпқа суртилганда ҳам бүёвчи модда зарраларининг сезиларли фактурасига эга кам шаффоф қатлам ҳосил қиласиди. Бүёвчи модданинг нисбий шаффофлиги ва юпқалиги жиҳатидан бүёклар икки гурухга ажратилади. Биринчи гурухга қопловчи ёки корпусли – бўрттириб берилган деб номланувчи кам шаффоф бўёклар киради, иккинчи гурухга яхши ёритувчи, лессировкаловчи бўёклар киради. Бўрттириб берилган бўёклар ёргулекни кўпроқ акс эттиради, остига суртилган бўёқни яхши ёпади ва донали фактурага эга бўлади. Бўрттириб берилган бўёкларга белила, охра, турли сортларлаги крон, яшил хромлар, яшил кобалт, мовий кобалт, ультрамарин киради; қизил бўёклардан қўроғшинли сурик, қўроғшинли тўқ сарик ва бошқалар. Лессировкаловчи бўёклар бўёвчи қатламнинг катта чуқурлигига тўғри ва тескари йўналишларда ёруғликни яхши ўтказади, юпқа фактурага эга ва шуълада ёрқин, тўйинган рангларни беради. Унинг остидаги бўёклар яхши кўринади. Лессировкаловчи бўёкларга сарик лак, гуммигут, зумрадсимон яшил, лазурь, краплак ва бошқалар киради.

Корпусли-бўрттириб берилган бўёклар ёруғликни кучли акс эттириш ва бўёвчи қатламнинг текис фактурасини яратиш қобилияти сабабли – мойбўёқ рангтасвирида донадор фактурани, мойбўёқ рангтасвирида пасто юпқа қатлами фактурасини яратади – предмет фактура ҳарактери кўпроқ сезилган жойларда ёритилган жойлар, нурлар рельефли туртиб чиққан деталларни тасвирлаш учун қўлланилади⁷

⁷ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-37 p/

1.6. Амалий машғулот

Үқув машғулотларидан натюрморт ёзишда предметлар (шакллар) қунт билан үрганилади. Улар бир неча сеансда ёзилади, үшанда аста-секин мазокларда бүёкларни бир-бирининг устига ёткизилади. Шунда кўзланган мақсадга эришилади. Рангларнинг кир ёки рангсиз қорайиб қолмаслиги учун бўёкларни икки, учтадан ортиқ бир-бирига қўшиш тавсия этилмайди. Керакли тонни олиш учун рангларни бир-бирининг устига қўшиш билан эришиш лозим.

Сув бўёқда ишлиашнинг асосий учта конунларини эслаб қолиш керак:



- керакли рангни күп миқдорда аралаштириш учун чұткани сувга бұқтириб олиш керак;
- қүйилган ранг то құримагунча унинг устига иккинчи рангни қүйиб бұлмайды, иккинчи ранг бириңчи рангни ювиб юбормаслигини таъминлаш лозим;
- оқ бүёк сув бүёқда ишлатилмайды, унинг ролини оқ қоғоз бажаради.

Сув бүёқда шуни инобаттаға олиш керакки, у қуриганда ранглар очаради. Рангтасвирда сув бүёқда ишлаш шундай тартибға қүйилганки, унинг техник қоидалари, аввало қоғозда ёруғ тонлар тортилиб «бліклар» (ялтироқ жойлар) колдирилади, ашёларнинг түқ жойлари аста-секин ёпилади.

Сув бүёқда яна бир ишлаш усули бу «хұл» ҳолатдир. Бу усулда ранглар бир-бирига құшилиб, күтілмаган ажайиб ранглар пайдо бұлади. Бу усулда ишлаш учун, аввало, қоғоз хұлланилади, унинг тез қуриб қолмаслиги учун тагига хұл картон қүйилади. Бу эса үз томонида ишни ранглар билан тузатиши, бир тондан иккинчи тонга секин үтиш, оч тонға құшимча ранг құшиб уни күчайтириш, жуда түқ жойларни очайтириш, ортиқча рангларни куруқ чұткада олиш имконини беради.

Рангларнинг бир-бирига құшилиб кетган жойларини тузатиб бұлмайды. Шунинг учун «хұл» техникада ишлаш дейилади, чунки қоғознинг бир хил хұллигини сақлаш қийин.

1.7. Предметларнинг ёруғ ва сояси

Тұғри тушувчи ва қайтувчи ёруғлик табиатда ёруғлик мұхитини ташкил қиласы.

Күриниб турған предмет доимо ёруғлик оқими остида ва предметнинг ҳар бир қисмігі ёруғлиғы ва ранги бүйіча хилма-хил бұлған бир ва бир неча ёруғлик манбаи қарши

туради. Ёруғлик мухитининг ҳамма хилма-хиллиги предмет юзаларида акс этади. Ёруғлик мухити предмет ёруғ-сојисини ва унинг турли ёритилган қисмларининг ёруғ-соја муносабатларини доимий ва қонуний белгилайди.

Ёруғ-соја муносабатлари доимо ёруғликнинг үраб турган манбалари кучига тўғри пропорционал. Рангли туслар қарши турган предметлар акс этувчи ёруғлик манбаларига мувофиқ келади. Ёруғлик манбанинг ўзгариши билан предметларнинг ёруғ-сојаси, ранги, рельефининг ифодавийлиги, кўриниш характери ва бошқа ташки кирралари ўзгаради.

Предмет қанчалик катта акс эттирувчи қобилиятга эга бўлса, унда мухит таъсири шунчалик кўп сезилади. Масалан, ёруғликни яхши акс эттирувчи оқ предметда ёруғ-соја тўқ предметдагига нисбатан кўпроқ ажралиб туради; ялтироқ шар атроф мухитнинг ёргулигини шу даража акс эттирадики, баъзида у билан бирлашиб кетади ва камроқ сезилади.

Агар предметнинг ҳамма қисмлари кўринса, демак у ҳар томондан ёритилган ва ўзининг ҳамма қисмлари билан кўзимизга кўринувчи акс этаётган ёруғликни тарқатади. Агар предмет битта ёруғлик манбаидан ёритилган бўлса, унинг фактат ёритилган қисми кўринади. Ёритилмаган қисм кўринмайди, чунки унга ёруғлик тушмайди ва у демак акс этаётган ёруғликни тарқатмайди. Ой бунга ёрқин мисол бўлади, ва у куёш нуридан ташкари деярли хеч қандай бошқа ёруғлик билан ёритилмайди, шунинг учун унинг фактат қуёшга караган қисмигина кўринади (бу ерда биз ойнинг кул ранг ёруғлигини- одатда ернинг акс этувчи ёруғлиги билан ёритилувчи ой гардиши тўқ қисмининг жуда кучсиз нурланишини хисобга олмаймиз). (б а -расм)

Агар биз предметнинг сој қисмини кўрсак, демак, бу сој қисмни ёритувчи яна бир ёки бир неча янги ёруғлик манбай пайдо бўлганини билдиради, ва у ўз навбатида бизнинг

кўзимизга кўрина оладиган кучга эга акс этувчи ёругликни нурлантиради.

Иллюстрация учун шарсимон тош вазани оламиз ва кетма-кет унинг ёритилиш шароитини ўзгартирамиз, ёругликнинг битта манбаидан оддий ёритишдан бошлаб ва энг мураккаб, яъни ҳар томонлама, қуёш нурига яқинлашувчи ёритишгача. Предметнинг битта ёруглик манбаидан оддий ёритилиш ҳолати жуда кам учрайди. Уни сунъий амалга ошириш қийин. Агар вазани бутун ёругликни ютувчи ва акс этувчи ёруглик бермайдиган, қора баҳмал билан ёпиштириб беркитилган қоронғу камерага жойлаштирилса, вазани камера деворидаги кичик бир тирқишдан битта ёруглик манбай орқали ёритилганда биз предметни битта табиий ёруглик манбай билан ёритиш ҳолатига эга бўламиз. 6.б-расмда битта ёруглик манбай қуёш билан ёритилган ваза тасвирланган. Бизга фақат ёритилган қисм кўринади, чунки вазанинг соя қисми умуман ёритилмаган ва шунинг учун фотосуратдаги ойнинг соя қисми каби қора юзани ташкил қиласди. Аммо мана, иккинчи ёруглик манбай – мовий осмон пайдо бўлади (6. в-расм). У тепадан тарқоқ ёругликни туширади. Осмон тарқоқ ёруглик билан предметнинг бутун тепа ярмини қамраб олади. Вазада мовий нурлар пайдо бўлади. Унда юкорига қараган жойлар жуда сезиларли. Кучсиз мовий ярим соялар вазанинг пастдан умуман сезилмайдиган ва осмоннинг кичик қисмини «кўраётган» қисмида сезиларли. Осмондан сўнг учинчи ёруглик манбай майса, фараз қиласлик, вазанинг пастки ўнг томонида. Акс этувчи ёругликнинг бу манбай билан ёритилган жойлар яшил рефлексларга эга бўлади. Майсадан сўнг тўртинчи акс этувчи ёруглик манбай вазамизнинг пастки чап тарафида жойлашган қум ёки тош пайдо бўлиши мумкин. Тўртинчи ерусти ёруглик манбанинг борлиги вазада тўқ сариқ рефлекс билан акс этади.

Шундай тарзда ёруғлик манбалари сонини күпайтириш ва ёруғлик мұхитини мураккаблаштириш мүмкин. Тасвиrlанаётган предметни қанчалик күп ёруғлик манбаи үраб турса, ёруғ-соя шунчалик мураккаблашади. Аммо натурада ёруғ-соя қанчалик мураккаб бўлмасин, тасвиrlанаётган предметни үраб турган ёргулук манбаларини истисно килган ҳолда ҳаммасидан тушаётган ёруғликни беришга ҳаракат қилмаслик керак. Ушбу ёргулук мұхитини ташкил қилувчи ҳамма ёруғлик манбайдан иккинчи даражали ва ҳарактерсизларини четга суриб қўйиб, энг мұхим ва ҳарактерлиларини ажратиб олиш ва қилинган умумлашма ҳамда ҳарактеристикаларнинг тўғрилигини текшириб, ёруғ-сояни тасвиrlаш керак. Бу ерда намуна учун ёргулук мұхитининг таъсири энг сезилган оқ предмет олинган. Тўқроқ рангларда ва нихоят қора предметларда кузатувчанлик ҳамда идрок қилишнинг сезгирилигини ривожлантириб, ёруғ-сояни оқ предметларда ўрганиш керак. Бундай ўрганиш ёруғ-соя табиатини тўғри аниқлаш учун, мураккаб ёруғ-соя ҳолатида йўналтира олиш ва уни тўғри тасвиrlаш учун зарур.

Предметнинг кўпгина ёруғ-соя фазаларини ажратадилар.

Энг кўп ёргулук тўғри тушаётган ёргулук асосий манбанинг тик тушаётган нурлари (ёритилган текисликка тушиш бурчаги – 90°) билан ёритилган жой. Ярим соя – тўғри тушаётган ёргулук асосий манбанинг қия тушаётган нурлари (нурларнинг тушиш бурчаги 90° дан кам) билан ёритилган жой. Ярим соя, сояга ўтувчи жой предметнинг ёргулук ва соя зоналари орасидаги чегарани намоён қиласди. Ўз соялари – бевосита асосий тўғри ёргулук манбаи нурлари билан ёритилган зона чегарасида ўтувчи жойлардир. Хусусий соя, одатда – предметнинг энг кам ёритилган жойидир. Тушаётган соялар – бирор предмет билан тўғри ёргулукнинг асосий манбаи нурларидан тўсилган жойлар; предметнинг ҳар қан-

дай хусусий сояси доим тушувчи сояни беради. Рефлекслар-иккинчи даражали гайриихтиёрий манбаларнинг акс этувчи ёруғлиги билан ёритилган соя жойлар. Тескари соялар – иккинчи даражали манбаларнинг акс этувчи ёруғлик нурларидан түсилган соя жойлар.

Нур ва ярим соя биргаликда предметнинг умумий ёруғ қисмларини ёки ёруғлик зонасини ташкил қиласи. Хусусий соялар, тушувчи соялар ва рефлекслар предметнинг соя қисмини ёки соя зонасини ташкил қиласи. Ёруғлик зонасининг ҳар қандай нуқтаси соя зонасининг ҳар қандай нуқтасидан ёруғрок бўлиши керак.

Ёруғ – соя фазалари тасвирланаётган предмет иккита ёруғлик манбай билан ёритилганда оддий ёритиш шароитларида яхши сезиларли предметнинг ёритилган қисмига тўғри нурларни туширувчи битта ва предметнинг соя қисмига акс этувчи нурларни туширувчи ҳамда рефлекслар ҳосил қилувчи бошқа, кичик ёруғлик манбай.

Бундай ёритиш кўпинча ўқув рассомчилиги учун ёргулук манбаларини минимум даражага тушириш мақсадида, ёргулук вазиятини соддалаштириш ва чизаётғанлар эътиборини шаклнинг ўзини, унинг тузилишини, ҳаракати ва нисбатларини ўрганишга қаратиш мақсадида ўрнатилади.

Фақат унутмаслик керакки, предметнинг ёруғ-соја фазалари, уларнинг чегаралари ва тарқалиши берилган ёруғлик мухитининг ёритилиш шароити ўзгаришига боғлик ҳолда ўзгаради. Соја бўлган жой ёруғ бўлиб қолиши мумкин; ёруғ бўлган жой соја бўлиб қолиши мумкин. Ёруғ-сојанинг ҳар бир фазаси ўзига қарама-қарши, атроф мухитдаги ёритилган предмет, кейин соядга бўлиб қолиши мумкинлиги каби ўзгариши мумкин.

Агар гира-ширада деразада турган оқ vazani кузатилса, vazанинг хонага караган соја қисми секин-аста ёруғлашади, гўё лампадан тушаётган, кундузғи ёруғликда кучсиз бўлган

тұқ сарық рефлекс хирилик қуюқлашған сари ёруғ нурға айланади, вазанинг ташқи томонидаги мовий ёруглик зұрға сезилаётган күк рефлексга айланганини күрамиз.

Туганмас саволлар – нима ёругрок-тушаётган соями ёки ўз соясими, нима иссикрок, нима совукрок, ёруғ-соя фазаларининг асл сабаблари тушунарлы бўлиши билан ўз-ўзидан тўхтайди. Турли даврларда алоҳида рассомлар амал қилган хилма-хил ёруғ-соя қонунлари кўпинча битта тугал қонуниятга – предметлар томонидан ўз ёруглик мұхитини акс эттирилишига олиб бориши мумкин.

Ёруғ-соя муносабатлари ёргулиги бўйича қандай бўлса, ранги бўйича ҳам худди шундай, контраст ва нюанс бўлиши мумкин. Берилган ёргулик мұхитининг турли манбалари ёргулиги кучидаги тафовут қанчалик катта бўлса, ёргулик бўйича контрастлик шунчалик катта бўлади. Ҳар томонлама текис ёритилган шароитда нюанс ёруғ-соя муносабатлари бўлади. Текис ёритилган предмет бутун юзаси бўйлаб бир хил ёрқинликка эга бўлади. Хонадаги ёруғ-соя контрасти одатда очиқ осмон остидагидан кўпроқ бўлади. Хонадаги ҳар қандай предмет одатдагидек бир томонлама ёргуликка эга бўлади, чунки ёргуликни нисбатан кам акс эттирувчи дөворлар билан ўралган. Хонадан ташқарида тасвиirlанаётган предмет ҳар томонлама ёргуликнинг катта миқдори билан ёритилган ва бошқа ёрқин ёритилган предметлар билан ўралган, шунинг учун у юмшоқ ёруғ-соя касб этади. Ёритилган тор кўча, ўрмон, тоғлар дараси шароитларидаги предметларнинг ёруғ-сояси худди шу сабабга кўра майдондаги, очиқ ёки баланд жойдагига нисбатан контрастроқ бўлади. Қуёш билан ёритилган иншоот айнан бино устидаги осмон қора булут билан қопланганда контрастроқ ва булутсиз осмон ёки кучли тарқоқ ёргулик берувчи ялни енгил булутли бўлганда нюонсроқ ёргуғ-сояга эга бўлади. Биринчи ҳолда иншоотнинг

соя жойлари қорамтири булутларга, иккинчи ҳолда ёруғ осмонга қараган бўлади.

Ёруғ-соя бир рангли ва кўп рангли бўлиши мумкин. Ҳаммаси предмет жойлашган ёки рассом ўйлаб топган ранг муҳитига боғлиқ.

Шундай қилиб, ёруғлик муҳитини ташкил қилувчи ёруғлик манбаи қанчалик кўп сонли ва турли хил бўлса, предметнинг ёруғ-сояси шунчалик мураккаброқ, турли хил ва кўп рангли бўлади. Уни картинада тасвирилашдан олдин предметнинг ўзи ҳақида қандай бўлса, уни ўраб турган ёргулик муҳити ҳақида ҳам худди шундай ёрқин тасаввур ҳосил қилиш керак.

Предмет – ёруғлик муҳитининг кўзгуси. Предметни чизиш – демак, предмет киёфасида атроф муҳитни акс эттиришдир. Предмет муҳитини чизиш – демак, маълум дараҷада предметнинг ифодавий қиёфасини, унинг колоритини беришдир.⁸

Назорат саволлари

1. Рангтасвирда фойдаланиладиган ашёларни санаб беринг?
2. Нисбат деб нимага айтилади?
3. Чизикли конструктив тузилиши нима?
4. Тасвирий жсанр ҳақида гапириб беринг?
5. Нур турлари?
6. Контраст ранглар неча тургга бўлинади ?
7. Сув бўёқда ишлиашнинг асосий қонунларини санаб ўтинг?

⁸ Virgil Elliott –Traditional oil painting/ USA-2007-125 p/

II. I БОСҚИЧ 1-СЕМЕСТР

2.1. Натюрморт (*кузги, миллий, замонавий ва ҳоказо*)

Бизни куршаб турган хаётимиз хилма хил таққослиқдан дир. Ранги учган, рангсиз, зўрга кўринадиганлар ёркин рангларни кучайтиради, улар бир-бирига қарама-карши контраст ранглардан иборатдир.

Натюрмортдаги патир, чойнак ранглари бир-бирига яқин бўлиб, лекин кўза яшил, фондаги мато эса қизил рангда, натюрморт тагида сўзана бўлиши мумкин. Бу икки ранг бир-бирига контраст бўлса ҳам, улардаги ёриғлик кучи бир хил. Ишнинг асосий мақсади бу рангларнинг ҳарактеристика, ёриғ томонларини ва сояларини аниқлаш.

Шаклларни эслаётганда уларнинг сояларга жиддий эътибор бериш керак. Агар диққат билан қаралса, кўзанинг умумий яшил ранги оз бўлсада, кулранг ва иссиқ томонга ўзгарган. Бу қизил матонинг таъсирида қизил ранг ҳосил қиласди. Натюрморт тузишда шуни эътиборга олиш керакки, биринчи гуруҳдаги ранглар (иссиқ ва совуқ) асосий ҳисобланиб, ундаги буюмларнинг фазовий жойлашуви иккинчи гуруҳдаги кўшимча билан бирга яхлитлик ҳосил қилсин.

Ишнинг бошида буюмларнинг умумий яхлит шаклларини топиш керак, сўнг майда бўлакларни ишлашга умумийликдан бўлакларни аниқлашга ўтилади. Қачонки бўлаклар аниқланиб ишлангач, яна ишнинг яхлитлигига қаралади. Ишнинг охирги натижаси шундай бўлиши керакки, ҳамма майда бўлаклар бир яхлитлик ҳосил қилсин. Майда бўлакларнинг биронтаси яхлитликдан чиқиб кетмаслиги керак.

Катта майдон факат кучли ёруғликда күринади. Шунинг учун манзара колоритини аниқлашнинг биринчи шарти-кучли қундузги ёруғлик; кучсиз ёруғликда катта майдон бизнинг нигоҳимизга күринмайди.

Юкори күриш нұктасида, жой планы томошабин олдида очик ва құзилған планларнинг жойлашиши чизиқли перспектива сабабли етарлича ифодали бұлғанда, олдинги ва узок планларнинг ёритилиши бир меърда бўлиши мумкин. Паст күриш нұктасида, перспектив планлар битта тор тасмага бирлашганда ва у ёки бу план ичкарилигини бериш қийин бўлғанда ёритишни алмашинувчи ёритилған ва қоронғилашган планлар билан нотекис қиласидар. Бу бирлашган планларни ажратиш имконини беради ва уларнинг турли фазовий координатлари ҳақида тасаввур ҳосил қиласиди. Перспектив планларнинг нотекис ёритилишида картиналинг композиция марказига ёрқин ёруғлик бериш мақсадда мувофиқ.

Ёрқин узок планлар усули фақат фазо ичкарилигини эмас, балки ёруғлик кучини ҳам яхши намоён қиласиди. Күриш таж-рибасидан биламизки, узок планлар ёруғлиги ҳаво мұхити томонидан ютилишдан ўтиб, бизгача кучсиз етиб келади; агар бунда узокдаги ёруғлик етарлича ёрқин бўлиб туюлса, бу узок план ёруғлигининг жуда катта ёркинлигини билдиради. Узок планларнинг кучсиз ёритилишида улар деярли күринмайди; уларнинг ёруғлиги яқин планлар ҳавосининг тарқок ёруғлиги билан тўсилади ва бизгача деярли етиб келмайди.⁹

⁹ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-125 p/



Натюромортии жойлаштириши

Узоқ вақт ишланадиган натюромортни бошлишдан аввал алоҳида кичик этюдлар, наброскалар килинади. Бу наброскаларга натюромортнинг композицион жойлаштириш схемаси аникланади. Коғоз форматда ишланадиган предметларнинг

ҳажми ва уларнинг фазовий жойланиши топилади. Энг аввало натюромортни кайси нуктадан ишлаш аниқланади. Натюромортлар асосан, улар учун мўлжалланган столларга қўйилади. Шундай жой топиш керакки, натюроморт у ердан қизик кўринисин. Энг яхши кўриш нуқтаси стол юзидан анча баланд бўлса яхши, чунки бу ердаги предметларни фазовий жойланишлари яхши кўринади. Агар предметлар фрагмент бўлиб кўринса, у жойда ишламаслик керак. Қаламда чизилган чизмадан кейин унинг устига бир неча рангли эскизлар қилиш керак. Ундан мақсад натюромортнинг рангидаги ҳолатини топиш. Топилган вариантга қараб иш бошлаш мумкин.

Тасвирни қуши



Композиция топилгандан кейин тасвир каламда енгил қилиб чизиб олинади, каламни босмасдан чизиклар билан жисмларнинг формаси, ўлчами ва характерлари топилади. Катта бўлаклар ичида майдалари ҳам аста-секин ишланиб ва жойларини топишлари умумий текисликда ажралиб қолмаслиги даркор. Уларнинг соя-ёруғ чегаралари, тушаётган соялари ва ялтироқ жойлари аникланади. Чизма ўта юмшок қаламда қаттиқ босмасдан чизилади. Иложи борича ўчиргич ишлатмаслик керак. Чизик аниқ бўлиши керак, агар буюмларда нақш бўлса, уларни форматга аниқ чизилади. Чизма қанча аниқ ва батафсил бўлса рангда ишлаш осон бўлади.

Рангда ишлаш

Қўл теккизилгандаги ёки ўчиргич билан ишлангандағи ёғларни кетказиш учун қоғоз юзаси сув билан ювилади. Агар шундай қилинмаса, ранглар оқиб кетади. Рангтасвирда очик ранглар ва примитив бўяшдан кочиш учун, бўёклар сони қисқартирилади. Бошлиш учун учта асосий ранглар олинади: қизил, кўк ва сарик. Қизил ранглардан – английский красний, сарик рангдан – охра светлая, кўк рангдан – кобалт, синий светлый. Бу ранглардан хоҳлаган рангларни чикариш мумкин. Жарантдор (яркий) рангларнинг – краплак, кадмий, желтий кобалтларнинг йўклиги тасвирни бир гаммада бўлишини саклайди.

Бу эса ўз навбатида, палитрада рангларни аралаштириш натижасида керакли ранг топишини ўргатади. Бундан ташқари, бу машқлар талабаларга ола-була рангларни эмас, бирбирига гармоник боғланиши тасвирда ўргатади.

Ранг буюмларни бир-биридан ажратишга ёрдам беради. Бошка томондан эса уларнинг табиатда учраб турадиган хар хил рангдаги хусусиятлари (паррандалар ранг-баранглиги, шиша буюмлар) тасвирнинг конструктив ҳолатларини

соя-ёргни ўзига хослиги билан, рангтасвирда ёзишда анча қийинчиликлар туғдиради. Постановкада қуйилган парранда ҳар хил рангли, жигарранг сават ва матолар тұқ рангда ва кулрангда бўлиши мумкин. Вазифанинг қийинлиги шундаки, постановка контраст буюмлар: қора ва оч, матовый ва ялтирик. Бу буюмлар кўзимизга шундай кўринадиги, оқ нарсалар оппок, тўқ буюмлар қорадай. Аммо аслида ундей эмас. Оқ нарсанинг соя томони ёргу томонга қараганда тўкроқ бўлади.

Буюмларнинг формалари ва соя-ёргулик муносабатларини хисобга олган ҳолда, уларнинг фазовий жойланишларини бутун гурухдаги буюмларнинг фон билан боғлиқлиги ва тушаётган сояларини натюромортда аниқлаш керак.



Одам бошининг гризайль услубида ечими Композицион жойлаштириш

Ишнинг дастлабки бошланиши, аввало – модел-нусхани танлашdir. Постоновка илгариrok раҳбар билан бирга ўйлаб кўрилади, ундан кейин ўйлаб қўйилган постановка режасига монанд модел танлаб олинади.

Моделнинг юз ва қўлларининг тус ва пластик хусусиятлари постановка характерини белгилаб беради. Моделнинг ўзига хос хусусиятларини тасвирлаш учун постановкани ҳамма воситаларини, жумладан, рангларнинг ўзаро алоқадорлиги, нур соя, оқ ва қора тўқлик ва очлик каби қарама-қарши рангларни ва контрастларни жалб қилиш тақазо этилади.

Постановкада расм олдирувчининг феъл атворини очишга ёрдам берадиган ҳамма деталлар эътиборга олиниши лозим. Кийими, ҳаракат ҳолати, мухитдаги буюмлар (*унинг касбини тавсифлайдиган аломатлар*) одам қиёфасини ва ҳарактерига мослиги талаб этилади.

Реалистик рангтасивир қўйилмасида тус муносабатларини тўғри топа билиш асосий вазифалардан биридир. Рангтасивирда тус ва ранг муносабатларининг ўзаро бирлиги натурани ҳаққоний ифодалашда муҳим омил бўлиб хизмат киласиди. Машғулотнинг асосий мақсади йирик тус муносабатларини тўғри топа билиш (*фон ва натуранинг ўзаро боғлиқлигига ургу берган ҳолда*) дан иборат. Натурага тўғридан ёруғлик тушгани мақул. Шундай қилинганда қўйилмада ёруғ сояларнинг кескин ҳолати бўлмайди. Фон бошга нисбатан баъзан оч, базан тўқ бўлиши мумкин. Бу машғулотнинг асосий методик аҳамияти шундаки, бош ва фондаги йирик тус муносабатларини аниқлашга каратилган.

Соя томонда шакл аниқлигига эришиш учун ёруғлик қайтарувчи текисликдан фойдаланиш мумкин. Айнан шундай

шароитда юзнинг соя қисмида анатомик аниқ чизикларни кўриш мумкин. Бошнинг ҳар бир бўлагини тусда бир-биридан фарқини, ёруғ соя ҳарактерини ўргана бориши керак. Юз бўлаклари, кўз олмаси, буруннинг олд, ён томонлари, янокка ишлов берайтганда катта шаклни ҳисобга олган ҳолда, жуда майдалаштириб юбормасдан ишлаш зарур.

Бош шаклига ишлов бериш соя қисмидан бошланади. Соя яхлит, катта шаклни ажратиб, тус муносабатида камертон вазифасини ҳам ўтайди. Соядан кейин фон ечими ҳал этилади.

Нисбат муносабатлари

Бизнинг атрофимизни қуршаб турган буюмлар факат конструктив тузилиши билангира эмас, асосийси ўзларининг нисбатлари билан ҳам ҳарактерланади. Биз «осмонўпар уй ёки пастикам бино», «озғин одам ёки семиз одам» деганда уларнинг нисбатлари хусусиятларини назарда тутган бўламиз.

Мана иккита шиша идишни олсак: бири сут идиши, бири эса маданили сув идиши. Агарда уларни солиштирсан фарқи жуда турлича эканини кўрамиз. Баландлиги ва кенглиги, идишининг бош қисми ва чуқурлиги ҳар-хил. Уларнинг нисбатларини тўғри аниқламай туриб, кўринишини хаққоний тасвирлаш мумкин эмас. Худди шу каби бошқа буюмлар ҳам: стол ва курси, тарвуз ва опиқовоқ, кучук ва мушук ўзига хос шаклга, аниқ нисбатлари ва қурилишига эга. Баланд, чиройли қайнан ва шоҳбутоқлари тарқоқ ёйилади. Толнинг ўлчамлардаги ўзаро муносабатларини аниқламай туриб, уларнинг хусусиятларини кўрсатиб бўлмайди. Нисбат ҳарактерсиз наторморт, манзара, портрет, инсон қоматини хаққоний ва ифодали тасвирлаш мумкин эмас.

Демак, портрет санъатида рассом онгли равища юз тузилишининг асосий ҳарактерли нисбатларини, бош ва қоматни

яхлит кўрсатишга интилади. Натурани кўриш ва матода ўлчамларнинг тенг равиша мутаносиблигини ифодалай олиш рассомнинг энг муҳум вазифасидир.

Одатда қўйилмадаги жисмларни чизаётганда ўзининг хақиқий ўлчамидан кичикроқ қилиб тасвирланади. Демак, гурӯхдаги нарсаларнинг барчасини, ягона масштабдаги ўлчамда икки баробар ёки уч баробар кичиклаштириб тасвирлаш мухимдир. Предметларнинг алоҳида бўлаклари ҳам умумий масштабни ҳисобга олган ҳолда кичрайтириши лозим. Акс ҳолда тасвир қўйилмадаги жисмларга нисбатан ўхшашлигини йўқотади. Демак, тасвирда чизилаётган нарсаларнинг нисбатлар мутаносиблигини сақлаб қолиш – бу тасвирнинг умумий масштаби чагарасидаги ҳамма қисмларнинг бир бутунликдаги мослигини ҳаққоний ифода этишидир. Фақат шундагина, тасвир тўғри ва ҳаққоний бўлиб чиқади.

Тенг нисбатлардаги мутаносибликни қабул қилиш қонуни фақатгина қаламтасвирдаги нисбатлар муносабатларига хос бўлмай, балки ёруғ – соя (тусли) ва рангтасвирли ифодаланишига ҳам тегишлидир.

Мавзуда пешона, калла, ёнок ва ияқ суюкларига ишлов бериш

Бошнинг ўрта чизиги ҳолати, бурилиши ён томонга егилишини аниқлаб коғоз текислигига жойлаштириш. Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари яъни жағдан пешона дўнглигигача, қошдан буруннинг пастигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чуқурчасининг ўрни, кошнинг тепа ёйи, янок суюгининг чеккалари, қулоқ чуқурчалари ва бошқалар кўрсатилади.

Юз қисмидаги бурун, лаб, янок суюклари, жагнинг юқори ва пастки ўлчамлари, бошнинг вертикал чизиғига нисбатан бурилишига боғлиқ бўлиб қисмлари перспектив қисқаради.



Буларни натурадан синчикалаб кузатганимизда биринчи ва орқа пландагиларни чизиклар ёрдамида аниклаймиз. Го- ризонтал чизиги пастда бўлса, бурун, яноқ, пешона, жағлар- нинг вертикал текислиқдаги қисқаришини кўрамиз.

Шунинг билан бирга, жағнинг пастки қисми, бурун асо- си, қўзнинг юқори қисми горизонтал текислиги катталаша- ди. Бош пастга егилган бўлса, юқоридагиларнинг акс ҳола-

тини кузатамиз. Бошни чизикли куришдан кейин шаклларга ранг берилади. Ранг беришда энг корамтирик сисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда енгил давом этирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси түкрөк, узокдагилари эса бироз хирадоқ күринишида бўлади.

Натурадан рангда тасвирилаш жараёни ўз конун қоидалига эга ишнинг бошланиш қисмидан нималар килиш, ўртасида қайси масалаларни ҳал этиш ва охирлаб колганда уни қандай якунлаш кераклигини билиш зарурдир. Рангтасвирида қуидаги асосий масалаларни ҳал этиш зарур:

- умумий тус ва ранг ҳолатдагилари ва натура бўёкларининг бир-бирига яқинлигидаги тус ва ранг муносабатларини топа билиш;
- катта ранг-тусли муносабатлар чегарасидаги ранг-тусларнинг «чўзилиши», алоҳида буюмларнинг ҳажмли шаклларининг батафсил рангли қайта ишланиши;
- бутун тасвирининг умумийлиги, яхлитлиги ҳамда композиция марказини кўрсата билиш.

2.2. Одам боши тасвири

Биринчи маротаба натура ишлашда моделга унча очик рангда ёки қора тўқ рангда кийим кийгизмаслик керак, чунки бу ранглар одам юзининг рангидан фарқ қилиниши лозим. Одам бадани иссикрок рангда бўлади. Шунинг учун, натуршик оч кулранг ёки яшилроқ, кўрок рангда кийинган бўлса, яхшироқ бўлади. Натуршикни девордан ярим метр узокликда тутиш керак. Агар девор очикроқ кулранг, кўкимтирик бўлса, унда фонда ҳеч нарса қўшмаслик керак, борди-ю, агар у қора, тўқ ёки рангли бўлса, унда фон учун бўз ёки тўқ бўлмаган оч кулранг мато тортиш керак. Ранг жиҳатдан эса ёритилишига караб уларнинг ранги ҳар хил тусда бўлади. Талабалар бу натурани ишлашда биринчи галда ишнинг ком-



позицион ва қоидалар қурилишига эътибор бериб, босқичлар асосида оддийдан мураккабга, умумийликдан майдага ўтиш ва аксинча, майдадан умумийликка қайтиш қоидасига риоя килишлари керак. Ҳар бир талаба ишнинг композицияси ёки қурилишини эмас, балки унинг соя-ёргулик, умумийлик ҳо-

латларини тахмин қилиб текшириб бориши билан бошнининг ҳақиқий шаклини тұғри тасвирлай олиши керак. Натурани чизиб бұлганидан кейин уни бүяшга киришилади. Рангда ишлаш суюқ қилиб акварелга үхшаб ишланади. Унда натурадаги ҳар хил рангларни бир-бирига бұлган муносабатлари, уларнинг түк очлиги аниқ қилиб олинади.



Бу иш анча кўригандан сўнг натурани ишлашга киришилади. Бунга бошнинг фактат ҳар хил мураккаб ҳолатларини эмас, балки индивидуал (шахсий) психологик характеристикини бера олиш ҳам киради. Энди ранглар қалин мазокларда ишлана бошлади. Кўз, бурун, оғиз, қулоқ ва бошқа деталлар кичикина чўткада ишланади, моделнинг майда бўлакларини ёзиш билан бирга унинг яхлитлигини сақлаб колишга ҳаракат қилинади.



Натуранинг шаклига қараб тус бериш тасвирининг ёргуларик юзасини белгилаш ёки унга аниқлик киритиш учун зарур, чунки соя юзаларини тус бериш йўли билан бекитиш тасвирида чуқур ҳамда тўқ соя берибкина қолмай, балки юмшоқлик сезгисини ҳам ҳосил қиласди. Ишнинг энг бошида икки уч ранг бир-бирига бўлган муносабатини аниқ олиши



керак, шундан кейин ишни олиб бориши осонлашади. Улар асосан юз, кийин фоннинг бир-бирларига бўлган муносабатлари бўлиши керак. Буларнинг умумий муносабатлари турлича, қай бириси кайси рангда, совуқроқ, иссиқроқ, кучли, ўртача бўлиши ҳам аҳамиятга эга. Ёруғлик ва соя томонларни иложи борича берганига олиш керак.

Мисол учун, юз ва кийимнинг соя жойларини ҳамда ёруғ жойларининг нисбатини сояларга қараб олиш керак. Фонни ҳам шуларга нисбатан олиш керак. Тананинг баъзи жойлари девор фонига (силуэт) тўқ бўлиб кўринса, бошқа жойлари эса тескари оч бўлиб кўринади. Оч рангдаги кийимларда соя ранглари ёритилган бурмаларнинг рангидек бирмалар аниқ кўринади. Талабалардан моделнинг майда бўлакларини ёзиш билан бирга яхлитликни сақлаш ёзилаётган бошнинг шахсий-психологик ҳолатини ҳам бериш талаб қилинади.



2.3. Характерли эркак боши контраст фонда Композицион ечимини топиши

Контраст (французча *contraste* – кескин фарқ, қарама каршилик) тасвирий санъатда қарама-карши қўйилган тус, ранг, шакл, қиёфа назарда тутилади. Масалан, оқ-қора, ёрг-соя, қизил-кўк, тўғри-эгри, иссиқ-совуқ ва бошка контрастлар. Контраст тус ёки ранг композициясида бадийлик образини кучайтиради, асосий қисмининг таъсирчанлигини янада оширади.

Натурадан ишлаш жараёни алоҳида босқичлардан иборат:

1-босқичда бошнинг ўрта чизиги ҳолати, бурилиши, ён томонга эгилишини аниклаб қоғоз текислигига жойлаштириш. Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари, жағдан пешона дўнглигигача, кошдан буруннинг растигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чукурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ сягинининг чеккалар, қулоқ чукурчалари ва бошкалари кўрсатилиади.

Ишнинг 2-босқичида бошнинг чизикли қуришдан кейин шаклларга ранг берилади. Ранг беришда энг қорамтир қисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда енгил давом эттирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси тўкрок, узокдагилари эса бироз хиароқ кўринишида бўлади.

Юз қисмларида ранг ўзгариши ҳолатиии кўрсатиш

Натуранинг ёруғ соя томонларида фон бир хил тус такрорланмаслиги керак. Бош шакли пухта қурилгач, унинг ҳарактери, ҳаракати топилади. Бошнинг юз қисми композицион марказ деб олинади. Унга барча бошка бўлаклар бўйсундирилади. Бу сўнгги яхлитлаш босқичи эди. П.П.Чистя-

ковнинг шундай фикри бор: «Кўзлар ва кўз корачикларини астойдил, бошқа юз бўлакларини эса эркинрок ишланг, бурун ва лаб бўлакларига эътиборни сусайтирманг». Бу усул белигача бўлган портрет тасвирида ҳам қўл келади. Яъни асосий эътибор бош тасвирига қаратилади. Агар талаба бош шакл конструкциясини тусда ифодалаш малакасига эришолмаса, у зарур рангни керакли жойда қўллай олмайди.

Агар портретда ранг муносабатлари тўғри олинган бўлса, одамнинг юз, кўз, бошқа ҳарактерларини топиш анча осон бўлади. Юз қисмининг хар бир бўлаги ўз рангтасвирига эга. Масалан: пешонанинг чекка қисмлари ранг жиҳатдан бир мунча совуқ тус, бўйин қисми эса юзга нисбатан қизғиши бўлади. Тус жиҳатдан ҳам бу фарқлар турлича. Бу машқни бажаришдан мақсад ранг фарқларини пухта ўрганиш эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Турли одамларнинг бош этудини ишлаганда ранг муносабатларини тўғри топиш,

факат тус эмас, балки ранг жиҳатдан тўйинганлигини ҳам иnobatga олиш зарур. Рангтасвирнинг ҳақконий чикиши мана шу учала солиштириш натижасига бевосита боғлиқдир.



Умумий ранг ечимиға әътибор бериш

Ранги тасвирни саводли ифода этиш учун натураны қўйилмада нафақат тусли, балки буюмларнинг ранги фарқлари ни кузатиш вақтида қандай қабул қилинса, тасвирлаш жараёнида ҳам шунга эришиш лозим.

Ранги муносабатларнинг ҳолати буюмлар билан атроф-мухитнинг бир-бирига боғлиқлигини акс эттиради, шунинг учун тасвирланаётган буюмларнинг тусли ва ранги муносабатларининг бирлиги, маромига етган, колоритли ечимга келишга имкон яратади.

Иш жараёнида шуни доимо ёдда тутиш кераки, ҳар бир ранг ёруғликда, сояда, ярим сояда фақат ўзи эмас, балки бошқа рангларга боғлиқлиги билан мухимдир. Муҳими, унинг умумий ранглар қаторида иштирок этиб, бошқалардан ажralиб туришдир. Рассомни фақат ранглар фарқи ва муносабатлар қизиктириши зарур. Шунинг учун рангтасвир жараёни – бу натурали қўйилмадаги буюмларнинг доимий солишириув, тақкослаш, яъни муносабатлар билан ишлаш жараёни хисобланади.

Ранглар муносабати усулидаги рангтасвир жараёнини мусика охангларига қиёслаш мумкин, яъни алоҳида товушлар ўз-ўзидан ҳеч нарсани акс эттирмайди, аммо бошқа оханглар билан мужассамлашганда зарур таассуротни беради. Товушларнинг бир-бирига боғлиқлиги бузилса, охант мавжудлиги йўқолади. Худди шу ҳолатни рангтасвирда ҳам тақкослаш мумкин. Тусли ва ранги муносабатларни кучли ёки кучсиз ёруғлик ва тўйинган ранглар йиғиндисида қуриш мумкин, лекин шу билан бирга жисмларни туси ва ранг кучининг натурадан образли кўринишда мос равишда бир-бирига боғлиқлигини сақлаб қолиш мухимдир.

Умумлаштириш

Ишнинг якуний қисми – яхлитлаш, яъни майда деталларнинг бир бутунликка бўйсундиришдир. Бу ишда асосий бўлакларнинг тус ечимига эътибор бериш керак. Агар ола була чипорлик яхлитликка ҳалақит берса, уларга ишлов бериш керак. Натурани яхлит кўринишга ҳалақит бераётган ҳар бир бўлакни ўз жойига кўйиш керак. Агар шундай килмасак, кўшимча деталлар асосий объектдан чалғитиб, диққатни тортади, яхлитликни бузади. Агар рассом яхлит кўришни ўрганган бўлса, тасвирни оқилона бажаради. Бу босқичда гавда силуетига ҳам эътиборни кучайтириш даркор.

Тасвирда жуда нозик тус фақини саклаб қолиш керак. Силуетнинг баъзи жойларининг кучайтириб (чилик орқали) баъзи жойларни фон билан қўшиб юбориш керак. Қўйилмада нимани бўрттириб (чишиб) нимани фонга яқин тусда бирлаштириб юборилишини ҳал этиш зарур. Буни натурага яхлит қараганда ажратиб олиш мумкин.

Шундан сўнг гавданинг тўғри конструктив қурилмасига эга бўлиш мумкин. Ниҳоят, портрети ишланадиган одамнинг ички психологиясини очишга ҳам уриниб қўриш мумкин. Бу нарсага деталларни яхлитлаб асосий ҳарактерли жойларини бўрттириш билан эришиш мумкин.

Портрет чизмаси портретни яратиш учун қаламтасвирга алоҳида ахамият бериш зарур, қалам тасвир портретни яратишнинг фундаменти ҳисобланади. Ўйламангки, портретни бошқа нарсалардан кўра тезроқ ва осон тугатасиз. Бошқа чизматасвирлар каби портретнинг ҳарактери массасига эътибор беришингиз керак.

Портрет композиция яратишдан олдин компоновкаси ни яхшилаб ўйлаб кўринг сизга керакли бўлган деталларни олиб кераксизларини компоновкада тасвирламанг. Веласкасни кичкина асарларини кўриб ўзингиз шунга амин бўласиз.¹⁰

¹⁰ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-120 p/

Охирги босқич – тугалланаётган ишни асосий кисми бўлиб уни бу пайтда ишнинг натижаси кўзга кўринган бўлади. Барча тасвиrlар охирги босқичдаги сингари керакли даражада белгиланади. Буюмлар тасвири ёрқин ва бутун, қачонки у нафақат ўзининг умумий типик кўринишини, балки деталларнинг барча индивидуал киёфасини кўрсатилганда намоён бўлади. Оз бўлса ҳам ишни, тугатишдан бошлаш яхши. Ишни бошлашда барча жараён осон кечади ва иш ўртасига келганда барча хатолар тўпланиб қолади ва бундай пайтда ишни тугаллаш кийинлашиб қолади.

Барча бошлангич босқичлар муносиблиги ва охирги босқичларни таҳлил килиш нуқтаи назаридан, унинг тасвирининг қандай тугалланиши оркали баҳоланади. Албатта, биринчи босқичда бажарилаётган иш янги ва умумлаштирилган ва у оқ қозоғ каби барча мақсадларни тўлдирувчи ёки палитрадаги ёрқин ранглар мисоли кабидир. Лекин барибир барча вазифалар тасвирий санъатда ҳамма имкониятларни бирлаштириш ва тугалланаётган ишдаги асосий бадиий образларнинг нафакат тақдирини, балки унинг турли босқичларини амалга ошириш, ишнинг янгилигини, тугаллаш жараёнида бузмасдан чиройли қилиб тугатишдан иборатдир. Тасвиrlаш техникаси бадиий образлар устида ишлаш пайтида нафақат ривожланиб балки юксалиб ҳам боради.

Охирги босқичларни бажаришда билим ва амалиёт расом учун энг керакли бойлик ҳисобланади. Охирги босқич устида ишлашни ўзлаштириш, танланган образни охирига етказиш ва тўғри бажариш, керакли жойда детални аниқ тасвиrlагандан кейин уни тугата билиш ҳам катта маҳорат талааб қиласи.

Охирги босқич иккита кўринишдаги тасвирий иш билан биректирилади, бу эса деталлаштириш ва умумлаштириш учун хизмат қиласи. Умумлаштиришнинг катта қисми тас-

вирнинг томошабин дикқат эътиборини тортадиган асосий жой бўлиши керакки, ана шунда бу жой тасвирдаги асосий қабул қилиш жой ва деталларга чукур ишлов беришни талаб қиласди.

Умулаштириш техникасига асосан, умумий ранглар уйғунлигини аниқловчи рангли тусларни умумий тарзда суртиш, асардаги умумий ранглар тусини ўзгартириш, нозик уйғунлик, рангларни ювиш ёки бёқларни юмшатиш, асардаги барча ёрқин тусларни ўзгартириш, ва охирида шартли ёритишдаги ёруғликни ўзгартириш – юкоридан пастга ёки тасвирнинг ўртасида чеккасига қадар ўзгартириш каби усуллар киради.

Умумий ёрқин туслар, ҳакида олдинги «рангта тайёргарлик» бўлимида бошланғич босқичлар тұғрисида батафсил тұхталиб ўтилган. Бу ерда у ҳақда яна бир бор такрорлаб ўтишга тұғри келади, бириңчи босқични, албатта, тугалланаётган охирга босқич билан ҳамоханг боғлаш лозим. Бу ерда ҳам босқичларни бир бири билан боғлиқлиги ва техник усулларнинг муносабати ҳамда боғлиқлигини күрсатиб ўтиш лозим.

Умумий рангли туснинг бошланғич босқичи мақсади қандай?

У рангли пойдеворни шундай бир ранглар уйғунлига яқинлаштириши керакки, ишни бошлашдан олдин қайсиدير характерга эга бўлган ранглар уйғунлиги қиёфасини белгилаб бериши керак. У кейинги босқичларга умумий рангли йұналишни, кейинги босқичлар учун маълум ранглар муҳитида ёзув босқичини ривожлантириш ва йұналтириш учун қўллашдан иборат. Умумий рангли тус камертони каби, бошланаётган мусиканинг минори ёки мажорига берилган гамма сингариидир. Рангли туслар билан бўялган асар, берилган ёруғлик учун кейинги рангларнинг маълум ёруғликни хис қилишига замин яратиши керак.

Охирги босқичларнинг умумий рангли тусининг мақсади қандай?

У, албаттаги, фондаги ёруғликни камйтириш, колоритни аниқлаш ва умумий рангли тусга ёрдамчи доғларни киритиш учун жуда тез-тез керак бўлади.

Агар бошланғич босқичда умумий ранглар тусига эришиш учун анча ёруғ, оч ва тўйинган бўёклар, кейинчалик ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган охирги босқичда қўлланиладиган тинч, сокин бўёклар, ёрқин рангли бўёклар асосини ташкил қиласди.

Умумий рангларни суртиш жараёни шундай пайитда бажарилади, агар моделлаштириш аллақачон бажарилган бўлса ва ранг унинг барча қийин жихатида ҳам керак бўлсагина у ҳолда, доғлар ёки тасвир умумий колоритга берилаётган ёруғликдан чекинади. Умумлаштириш иш жараёнидаги ёруғликларнинг мұваффақиятли бирлашишида ҳам содир бўлиши мумкин. Унда умумий рангларнинг хусусияти шундан иборатки, барча тасвирларни битта ранг билан ёпишга эришилади.

Ёруғликни соя томон силжиши – ёруғликнинг ҳақиқий самарасидир. Қачонки, асосий фигурани ёки асосий ишоотни бўрттириш лозим бўлгандагина у композицион фикрлаш натижасида бажарилади. Унда тегилмаган ёруғ жойлар колдирилган ҳолда ва аста-секинлик билан, сувдан бошлаб барча тўйинган бўёқ суюклиги картинадаги ўраб турган ранг баранг буюмларни ёпади. Охирида енгил сояга тушади, картинанинг анча чуқур чеккаларига композициянинг асосини кўрсатиш анча – буюм ёки фигурадаги ёрқин ёруғликни кўрсатади.

Ёруғликни қабул қилишни киритиш кўпинча шаҳар панорамаси тасвирида қўлланилади, томошабин кўзини очган пайтда кўз олдида жуда кўп уйлар, кўчалар, майдонлар,

бкльварлар қўринади. Буларнинг барчасини системалаштириш томошабин учун қийиндир. Шунда архитектор, бош бинони, кўчаларни, майдонларни, томошабин мўлжали учун оқ қолдиради ва томошабинга шахар планини ўқиб олиши, асосий ва иккиламчи шахар тузилишини кўриши, ва шаҳарнинг архитектуравий қиёфасини эслаб қолиши уни яхши ҳис қилиши учун ёрдам беради.

Бу умумлаштириш усули манзара рангтасвирида, портрет рангтасвирида рассомлар томонидан кўп қўлланилади. Атрофдаги деталларни умумлаштириш иккинчи даражали бўлса ҳам, костюм, атрибулар, бошқалар ва шунга ўхшаган томошабинлар дикқатини ўзига тортадиган ва ҳаттохи юзидағи бир мунча ҳарактерли қиёфаси ҳам шулар жумласидандир. Техника усули нуқтаи назаридан умумлаштириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди лекин, умумлаштириш бајариш жараёнидаги енгилликни ва катта эҳтиёткорликни талаб қиласиди. Қийинчилик эса ҳар доим ўйланган ва фикрланган усулларни охирги босқичда қўллаш билан бирга ижодда, ишнинг композицион томони билан боғлиқдир.¹¹

2.4. Одам бошининг бирламчи қисмларига нейтрал фонда ишлов бериш

Ранг муносабатлари, иссиқ ва совуқ ранглар

Ранг муносабатларининг ҳолати буюмлар билан атроф-мухитнинг бир-бирига боғликлигини акс эттиради, шунинг учун тасвирланаётган буюмларнинг тусли ва рангли муносабатларининг бирлиги, маъромига етган, колоритли ечимга келишга имкон яратади. Ранглар ҳис қилишга кўра иссиқ ва совуқ рангларга бўлинади. Иссиқ рангларга оловни, куёшни эслатувчи ранглар: қизил, сарик, жигарранг ва улардан ҳо-

¹¹ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-115 p/

сил бўлган бошқа ранглар киради. Совуқ рангларга қорни, музни эслатувчи ранглар: кўк, яшил, оқ ва улардан ҳосил бўлган ранглар киради. Совуқ рангларга қараганда кишида совуқ ҳис уғонади. Иссик рангларга қараганда эса иссиқликни ҳисси уйғонади. Булардан ташқари, иссиқ ранглар яқинлаштириб кўрсатиш хусусиятига эга. Бунга яна ишоноч ҳосил килиш учун психологик тажриба ўтказиш мумкин. Иккита бир хил рангдаги доира олиб, бирини совуқ ранглардан ҳаво рангга, иккинчисини иссиқ ранглардан кизил рангга бўйаймиз, уларни ёнма-ён қўйиб, синчиклаб назар солсак, қизил рангга бўялган доира яқинроқ турганга ўхшаб, ҳаворангга бўялган ранг узокроқ турганга ўхшайди.

Ранг контрасти деб икки ёнма-ён турган рангларни бир-бирига таъсирига айтилади. Ранг контрасти ахроматик ва хроматик контрастларга бўлинади.

Нур ва сояни аниклаш ва таҳлил қилиш

Буюмларни тасвирлашда ёргуф соялар катта аҳамиятга эга. Натурага ёргуғлик қанчалик тик тушса уларнинг тасвирни шунчалик яққол кўринади. Аксинча, четдан тушаётган ёргуғлик буюмга умумий тарзда тушиб бажарилаётган тасвирни хиравоқ бўлишига олиб келади. Ёргуғлик урилиб (синиб) бир буюмдан икинчиси ва учинчисига тушиши мумкин. Бу тасвирланаётган буюмлардаги ёргуф ва соялар мажмуасини ташкил этади. Улар куйидагилардан иборат:

- а) Ёргуғлик*
- б) Соя*
- в) Тушувчи соя*
- д) Ярим соя*
- е) Акс ёргуғлик*
- ж) Ялтироқлик.*

Ёргуғлик деб – предмет юзасига тик тушувчи қуёш ёки

сунъий ёритгичларнинг буюм юзасида ташкил этган нурга айтилади.

Соя – буюмларнинг ёритилган қисмининг орқасида (тескарисига) ёруғлик нурлари тушмаган ерига айтилади. Бундай соялар шахсий соя деб ҳам юритилади. Тасвиirlар бажаришда тушувчи соялар ҳам кузатилади. Ушбу соялар буюмнинг текислигига (стол, пол, ер ва х.к) ҳамда бажарилаётган буюмларининг бирида иккинчисига ҳам тушиши мумкин. Буюмларга қиярок (хирарок) равишда тушувчи ёруғлик нури уларда ярим сояларни ташкил этади. Ярим соялар, асосан, ёруғлик ва шахсий соялар оралигига жойлашади. Шунинг учун буюмлардаги ҳар қандай соялар ҳам бир хил тусда бўлавермайди.

Умумлаштириш ва тугатиш

Ишнинг якуний қисми – яхлитлаш, яъни майдада деталларнинг бир-бутунликка бўйсундиришdir. Бу ишда асосий бўлакларнинг тус ечимиغا эътибор бериш керак. Агар ола-була чипорлик яхлитликка ҳалақит берса, уларга ишлов бериш керак. Натурани яхлик кўринишга ҳалақт бераётган ҳар бир бўлакни ўз жойига қўйиш керак. Агар шундай қилмасак, қўшимча деталлар асосий объектдан чалғитиб, диққатни тортади, яхлитликни бузади. Агар рассом яхлик кўришни ўрганган бўлса, тасвиirlарни оқилона бажаради. Бу босқичда гавда силуетига ҳам эътиборни кучайтириш даркор.

Тасвиirda жуда нозик тус фарқини сақлаб қолиш керак. Силуэтнинг баъзи жойларининг кучайтириб (чизиқ орқали) баъзи жойларни фон билан қўшиб юбориш керак. Кўйилмада нимани бўрттириб (чишиб) нимани фонга якин тусда бирлаштириб юборилишини ҳал этиш зарур. Буни натурага яхлит қараганда ажратиб олиш мумкин.

Шундан сўнг гавданинг тўғри конструктив қурилмасига

эга бўлиш мумкин. Нихоят, портрети ишланаётган одамнинг ички психологиясини очишга ҳам уриниб қўриш мумкин. Бу нарсага деталларни яхлитлаб асосий ҳарактерли жойларини бўрттириш билан эришиш мумкин.





Портрет ёзиш жараёни бу жараёнда сиз ҳар хил эффект ҳамда лисировкалар ёрдамидан фойдаланишингиз мумкин. Бунда ҳам ўзингизга керакли жараёндан фойдаланинг ҳамма жараёнлардан эмас.

Масалан, Дюрер ўз автопортретларидан ўзидан фойдаланиб ўзи ўрганган.

Қаламтасвир ва рангтасвир сиз буни ҳаммасини ўргана олмайсиз лекин ўзингизга етарлича ўрганишга ҳаракат қилинг.¹²



¹² Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-120 p/

Одам боши елка қисми билан

Рангтасвирда одам портертини ишлаш учун, энг аввало, постановкага эътибор бериш керак. Натурани шундай жойлаштириш керакки, унда атроф-мухит, нур тушиши, натуранинг ҳарактерини очиб бериш ҳолатлар яққол кўриниши керак. Шундай чиройли постановка, шаклнинг аниқлиги ва ранги билан қизиқиб ишлашга имконият тугилади. Рангтасвирда портрет ишлаш бир неча қоидага бўлинади.

Портрет ишлаш. Бунда қўйидаги мойбўёқлар ишлатилади: охра светлая, английский красный, вулканская ёки оқиш окис хрома, кост жженная, марс коричновая, умра натуральная, стронсий жёлтая, белила.

Портретни композицион жойлаштириши кўмир чизиги билан аниқ килиб чизиб олинади. Кейин уни латта билан артиб сал-пал кўринадиган контур қолдириш керак. Сўнгра кичкина колонкавий чўтка олиб яна натурага қараб суюқ умра жженная ёки марс коричновый билан чизиб чиқиши керак.

Марс коречневий ёки умра натуральный билан белиласиз, суюкликсиз подмалёвка қилиб чизиши керак. Бу подмалёвкада асосий сояларни ёзиб чиқинг, фақат натуранинг умумий формалари чиқсин. Энг ёруг соя жойларини суюқ қилиб ёпиб чиқилади, унинг тагида мато кўриниб турсин. Подмалёвка қилиш пайтида энг тўқ жойни ва бошқа сояларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини топишга ҳаракат қилинг. Подмалёвкага белила қўшиб ишланса, у тез куримайди.

Куриган подмалёвка устига рангда ишлаш бошланади, иложи борича рангларнинг бир-бирига бўлган муносабати катта формаларга аниқ қилинади. Матога қалин қилиб, бўёқ бермаслик керак, бўёқ тагидан подмалёвка кўриниб туриши керак, бу умумий формаларни ва соя жойларни ушлаб туришга ёрдам беради. Белилани кўп ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ишингизни натура билан текшириб туринг, нотүгри жойларини пичок (*мастихин*) билан тозалаб ташланг. Ранглар муносабатини аникланг. Күз, бурун, лаб, қулок каби деталларни аниқ ишланг. Ҳар бир материалларни рангда бериб, формаларни фазовий жойлашишини аникланг.

Натуранинг ҳар бўлагининг контрастларини умумийликка таққосланг, ишни натура билан солишириинг, ранглар чегараларини четларини юмшатинг. Ишнинг охирида мазокларни қалинроқ қўйинг. Соя жойларига олдинга чиқиб кетмаслиги учун мазокни камроқ қўйиш керак.

Назорат саволлари

1. *Контраст ранглар деганда нимани тушунасиз ?*
2. *Ассиметрия нима ?*
3. *Уфқ чизиги деганда нимани тушунасиз ?*
4. *Буюмларни тасвирлашда уфқ чизиги нечта ҳолатда бўлиши мумкин ?*
5. *Сурат текислиги деб нимага айтилади ?*
6. *Буюм текислиги деб нимага айтилади ?*
7. *Контур нима ?*
8. *Тасвирий санъатнинг турларини аникланг?.*
9. *Техника сўзи мазмунан нимани англатади?*
10. *«Гризайль» нима?*
11. *«Гризайль» техникасида қандай сатҳга ишлаган маъкул?*
12. *«Гризайль» қаламтасвир соҳасига кирадими ёки рангтасвирганми?*
13. *«Гризайль» техникасида нима учун ишланади?*

III. I БОСҚИЧ 2-СЕМЕСТР

3.1. Одам боши тасвири бош кийимда

Бу топширикни бажарышда анча күирок вакт талаб қилинади.

Биринчи сеансда матода ёки картонда чизма күмир ёки қалам билан яхшилаб натура чизиб олинади. Кейин латта билан чизма күмир бүёк билан құшилиб кетмаслиги учун енгил артиб чиқилади. Ёзишни соя жойлардан бошлаш керак. Бүекни суюқ килиб, иложи борича белилани суюқлик билан камрок ишлатиш керак. Рангларни умумий формага қараб аник топишга ҳаракат қилиш керак. Мойбүекни ҳар бир ма-



зокни ранг ва тоннинг бутун кучида факат бўёкларни уч хилидан ортиқча аралаштирумаслик керак.

Аввало, соялар шаклини, юзнинг асосий ранги соч, рўмол, кийим ва фон рангларини аниқлаш керак. Кейин ёруғтomonлари ярим сояларни ишлаб чикади. Юзнинг соялари, рўмол ва кийим сояларидан фарқ қиласди. Натуранинг ёруғ тушиб турган томонлари бир хилда совук ёки иссиқ бўлиши



мумкин эмас. Маълум пайтда натуранинг атрофидаги нарсалар, албатта, қонуний равишда таъсир қилади. Ёруғ тушиб турган томонлар сояларга қараганда совугроқ бўлиши мумкин ёки аксинча, соялар совукроқ бўлиб, ёруғ тушиб турган томонлар иссик бўлиши мумкин.

Иккинчи сеансда қилинган ишларнинг тўғрилигини текширинг. Ранглар муносабатларини аниқланг. Натуранинг майда деталлари кўз, бурун, оғиз ва ҳоказо ишлаб чиқилади. Кўз билан чамалаганда, кўзга тушмайдиган, умумлаштириб қараганда баъзи деталлар ишланмайди. Кўзга тушадиган деталларни бир-бирига такқослаб, умумлаштириб ишланг. Агар бирор жойда хато қилинган бўлса, ўша жой мастихин (*тичоқ*)да олиб ташланади ва қайтадан ишланади. Ишнинг охирида, агар керак бўлса, бўёқни қалинроқ қўйиш керак, блик ёки ёркин нур тушиб турган жойларга бўёқни суюқликсиз қалин керакли рангни қўйиш керак.

3.2. Портрет жанрида ишлаш услуби

Портрет жанрида ишлаш учун, аввало, шуни қайд этиш ўта муҳим:

- ёш рассом табиатдан ўта зукко, кузатувчан, танлаган касбига садоқатли бўлиши шарт. Бунинг учун ўз устида кўп ишлаши, ҳар куни узок муддатдан чизгилар билан банд бўлиши керак бўлади;

- гап портрет устида борар экан, уни ўзига хос услуб ва усуллари борлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Портрет жанри рассом ижодида энг муҳим роль уйнайди;

- бошланғич бадиий билимга эга бўлишдан тортиб то олийгоҳни битиргунга қадар талабалар бу жанрнинг сирларини эгаллашлари керак;

- дарс вақтида педагог кўрсатмасига кўр-кўrona амал қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун ўқувчилар ин-

сон анатомиясини мустакил иш соатларида ўрганиш билан бирга унинг жисмоний тузилишидан, мушак ва сүякларнинг тузилишидан хабардор бўлишлари шарт. Қолаверса, бадиий оламда портрет жанрида ишланган асарларни ўрганиб, ўз вактида таҳлил бериб, ички дунёларини бойитган ҳолда, малакаларини оширишлари зарур. Ана шундагина, бирор на-тижага эришиш мумкин.

Портрет жанри вазифасига инсон бошини чизматасвирда ёки рангтасвирда батафсил ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уни тасвирлаш борасида бир қанча ишларни айникса,



амалий ишларни бажаришдан иборатдир. Чизмасвирда анчагина амалий ишлар ёзилган. Чунки, қалам бир рангли бўлиб у тим қорадан тортиб то кўз илғамайдиган дарражагача оқариб бориши, ҳатто (бликни) ялтироқни ифодалагунга қадар тусларни йилиши ва мужассамланиши натижасида, ўз ифодасини топади.



Рангтасвирда аксинча, рангни кўриш инсон табиатига боғлиқ. Шу боис, бу соҳада амалий маслаҳат бериш қийинлашади. Бу иш амалиёт давомида ва ўз устида мустакил ишлаш давомида амалга оширилади.

Ишни модель излашдан бошламоқ керак. Тасвирланадиган инсон сиймоси талабга жавоб берадиган бўлиши шарт. Яъни, тузилиши, кўз, кулоқ, бурун яққол қўзга ташланадиган, мушаклари аник ўқилиши ва колаверса, ранглари инсонни ўзига жалб қилиши керак.

Модел сиймосини, кўринишини, мазмундорлигини ошириш мақсадида уни оддий, содда ҳолда ўтказиб, ён томондан сояларни юз киёфасининг янада аникроқ белгилаб, уни мушакларини тузилишини ва бошни бўлак қисмларини катта қисмлари билан узвий bogланишга олиб келиши керак. Бунинг учун эркак кишининг портретини ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишни 50x40 ўлчамли матода ишлаш керак, ишни бошлашдан олдин талаба модельни атрофлича ўрганиб, ўзига маъкул кўринган жойдан ишга киришиши тавсия этилади. Бу ҳолат қизиқишни ўйготиши табиий ва у талабаларнинг иш жараёнида сустлик қиласдан, кўтаринки руҳиятда ишлайди. Оқибатда, яхши натижага эришиш мумкин. Портретни тасвирлаш жараёни хар бир талабанинг билимига боғлиқ бўлиб, улар ўзларига хос услубларда ишлаши мумкин.

Ўқув жараёнида малака ошириш борасида учта услугуб яхши ўрганилган ва тавсия этилган:

- 1. Матода ишлашдан олдин қоғозда ишлаш.**
- 2. Матони ўзида писта кўмир билан ишлаш.**
- 3. Матода тўғридаи-тўғри бўёқ билан ишлани.**

Ана шулардан биринчи услугуб бошланғич бадиий билим олишда энг кўп қўл келади. Матонинг сатҳини авайлаш борасида ишни, аввало, оқ қоғозда бошлаб, сўнг уни матога

ұтказиш керак. Бу услуб, бириңчидан, интизомга ўргатади. Иккинчидан, ҳали малакаси бўлмаган талаба, пала-партиш ишлаш натижасида, мато сатхини бузиб қўйиши мумкин. Бу эса оқибатда ноҳуш, кутилмаган мушкулликка олиб келиши мумкин.

Қоғоз сатҳида чизматасвир қатъий бажарилиши керак. Портретнинг чизматасвирда мансубасини, ҳолатини, ҳарактерини, ҳаракатини аниқ топганингиздан сўнг, матога қора қоғоз орқали кўчириб, рангтасвирга ўтиш керак. Матода бўёқлар билан ишлаш, олдиндан модельнинг асосий рангини ва тусларини топиб, парча-парча ҳолда додглар қўйиб чиқиши ва сўнгида уни бирлаштиришдан иборат. Бунинг учун кўз, қулок, бурунни, ёнғ ва жағ суюкларини, охирида, алоҳида рангини топган ҳолда ишлаш ва охирида уларни бир яхлитликка олиб келишдан иборат. Шу жараёнда ҳамма вакт, модель билан солиштириш натижасида тузатишлар киритиш ва уни ўхшашлигини унутмаслик керак.

Рассом учун энг ўзига тортадиган рангтасвир жанрларидан биридир. Лекин энг мураккаби ҳам. Дунё санъат тарихида жуда кўпгина турли хил портрет яратилган. Бу тасвирларга назар ташласак, ундаги одам нигоҳини теран чукурлигини, узоқ ўтмишдан бизга қаттиқ тиқилган инсонларни қараб боқишини кўрамиз

Портрет – бу инсонни қалб ойнаси, у ҳушомад ҳам қилиши мумкин, ҳам ҳақиқатни тасвирлаши, бу орқали бизга инсонни ички кечинмаларини ёки ечилмайдиган масалаларини кўрсатиб беради.



Bohemian Woman, by Frans Hal

Леонардо да Винчи мүйқалами остидан чиккан аёллар портретлари хайратта солади. Уларни жүшкін таъсири шунчалик күчлики, бизнинг сезгимиз ва онгимиз уни англаш учун чексиз харакат килади. Шундай қилиб, портрет бизга образни тушунғанligимиздан ҳақиқий чексиз завқ багиши-

лайди. Айнан шундай ҳайратни Ботичеллиниң «Нишонли ёш йигит» портрети олдида хис этасиз, бу ёш йигит бизга ҳәтий энергия бахш этади. Бунда биз ҳам ҳәтийликни, ҳакконийликни ва қаторда бу образда қандайдир космиклик бор. Үнда автор юкори соддалика эришган. Бу эса ижода энг захматли, кийин жараён – асл соддаликини ва табиийликни күрсата билиш.

Жуда күп юракка яқин рассомларни эслаш мумкин, лекин биз шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, бугун бизнинг атрофимиз ҳозирги замон инсонлари билан тұла, уларнинг орасыда бизни дикқат эътиборимизни тортиб, бұлажак рассомни яхши портретлар яратишига ундаш мумкин, фақат уларни севиб ишлаш керак, шундагина машхур асарлар яратилиши мумкин, уларни эса келажак авлодлар күриб бизнинг ҳәтиймизни, интилишларимизни, рухимизни ва умидларимизни чуқуррок тушуниши, англаши мумкин.

Охирги иш жараёнида инсоннинг ҳарактери, психологияси ва унинг ҳолати устида ишлаш керак. Агарда, узок вакт матога үтказилған бұлса, ишни шошмасдан, бирин-кетин технологик қоидага амал қылған ҳолда ишлаш ва тугаллаш лозим. Юз, күз, сочларнинг рангини топиши керак. Мазкур ҳолатдан сүңг талаба моделнинг ҳарактерини, күзге яққол ташланадиган жойларини янада бүрттириб ишлаш зарур.

Учинчи услубда ишлаш, биринчи босқични үтказганингиздан сүңг құл келади. Яъни, мато сатхидан тұғридан-тұғри писта күмир билан ишлаш, яхшигина тежамликка олиб келади. Писта күмирнинг яхши хусусиятларидан бири, уни латта билан артиб юборсанғиз тезда үчиб кетади ва мато сатхидаги сифати бузилмайды.

Юқорида баён этилған мато сатхидаги тасвирни, мансубасини, ҳолатини, ҳарактерини ва үхшашлигини топганингиздан кейин, уни авайлаб, худудий чизиқларини суюқ, бир

хил рангда чизиб олиш керак. Бу иш, писта кўмир суркалиб кетмаслиги учун қўлланилади. Ёки бундан бошқа усулда ишланади. Масалан, писта кўмирда ишлангандан сўнг, уни лок котирғич билан мустаҳкамланади. Сочга сепиладиган лок ҳам ишлатилиши мумкин. Матода ишланганда писта кўмирнинг сифатлисидан кенг миқиёсда фойдаланишга харат қилиш керак. Писта кўмир соя, ярим соя ва сояларнинг ёришганг жойларини, кўз илғайдиган бўртмаларини ифодалаш хусусиятига эга. Шунинг учун, бу сифатни рассомлар жудаям қадрлашади. Иш жараёнда шаклларни ифодалаш мақсадида панжа билан доғлар қўйиш, уларни туслари корайиб кўринса, панжа билан енгилгина тегиб қўйсангиз хоҳлаган рангни топиш мумкин.

Писта кўмирда тасвири мустаҳкамлаганингиздан кейин, ранглар тасвирига ўтиш олдидан моделнинг киёфасини, соя жойларини белгилаб, ёришган жойларини аниқлаб, асосий рангларни топган ҳолда оқ бўёқ ишлатмасдан, матони тўқилган сифатини кўриниб турадиган даражада суюқ шаффоф ранг бериш керак.

Бўёқларни эритгич билан суюлтириб берган маъқул. Биринчи босқичда лок ишлатадиган бўлсангиз, қотиб қолгандан кейин, мато сатхи клёнкага ўхшаб ялтираб қолади ва кейинги рангларингизни биринчи қўйилган ранглар билан бирлаштириш мушкуллашишига олиб келади. Иш вақтида бўёқлар матога бир мунча сингиши керак. Иккинчи қатлам бир мунча қуюқрок, жозибали ранглар мажмуасини топган ҳолда чаплаб ишлаш натижасида колорит топилади, яъни бир бутун яхлитликка эришиши керак.

Рангларни соя жойида текисроқ бериб, ёришган жойида чаплаб ишлаш тарзида ҳар хил сифатли доғлар орқали шакл ифодаланади. Шу жараёнда ранглар жилосини мураккаблаштирган муносабатларнинг мажмуаси топилади. Кат-

та текисликлардан майдасига ўтиш ва уларни бирлаштириш йўли билан ишлаш зарур. Иш вактида ҳамма вақт солишириш орқали ўхшашликни йўқотмаслик керак.

Улар чизги тасвири ёки ранг ўхшашлиги, сояларнинг яримсоялари ва соядаги шулалар бўлишидан қаътий назар яратилаётган асарда ёки рассом маҳсулотида ўз аксини топиши керак.

Инсон боши ўз ҳажмига эга бўлиб, уни ҳар бир бўлаклари ҳам ўз ҳажмига эга эканлигини ёддан чиқармаслик керак. Бўлакларни ишлаш ранглар тусларини тўғри топиб, яъни оч тўқлигини, соядаги гусларнинг тафовутларини узвий солишириш натижасида ўхшашлиги аникланади. Рангларни ашёвийлаштиришга ҳаракат қилиш лозим, яъни қўйилган рангларни айни вақтда модели асосий ранглардан фарқ қилмаслиги лозим. Ранглар тоза ва мусаффо бўлишига интилинг.

Одам бошини ҳар бир бўлакларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ҳажмларни мураккаброқ ишлаб, катта ҳажмдан ажралмаган ҳолда мўйқалам билан ранг-баранг доғ қўйиш билан эришган жойларини жозибали, кенг ва озод ҳаракатлар билан ишланади. Айниқса, кўл, кулоқ, бурун оғизга катта аҳамият бериш керак. Чунки, моделнинг ўхшашлиги – бу қисмларининг аниқ ишланишга боғлиқ. Аҳамиятга эга бўлмаган ортиқча нарсаларни ишламаслик керак.

Ранг билан ишлаганингизда палитрани ташкил этиш бўлак маънога эга. Унда хилма-хил бўёқлар бўлмаслиги керак. Моделнинг асосий рангларини ифодаловчи бўёқларни топиб, улардан тўғри фойдаланиш керак ва зарур. Палитрада бўёқларни кўп эзғилаб қориштириш ранг жилосининг сифатини йўқолишига олиб келади. Агар бир тус иккинчи тусга солиширилганда совукроқ қўринса ёки мос қўринса, унинг учун янги, оқ бўёқлари бўлмаган табиий бўёқлар билан ен-

гил қилиб, шаффоф, таги кўринадиган даражада устидан суртилса тафовути чиқади.

Қайта-қайта тузатишлар мато оралиғини тўлдириб, унинг сифатининг бузилишига олиб келади. Оқибатда суртилган ранглар сифати заифлашади ва ёрилиб тўкилишига олиб келади. Рассомлар мато сатхини ниҳоятда авайлаб, эҳтиёткорлик билан уни сифатларидан усталик билан фойдаланишади. Бу ишлар тежамли ва изланиш борасида тузатишларни олди олиниб бажарилади.

Учинчи услуг биринчи ва иккинчи услугларни бирлаштирган ҳолда, ўқитиш жараёнида тўлиқ маълумотга эга бўлган талаба келгуси мураккаб ижодий масалаларни ҳал этиш учун қўлланилган.

Рассомлар ижодий фаолиятида ҳар хил ўзига хос усуллардан фойдаланишади.

Асаддаги қаҳрамонларнинг қоматларини нафақат портрет кўринишида, балки боғнинг турли бурчакларида, ўзларига бириктирилган гуллар, дараҳтлар ёки ноёб маҳсус ўсимликлар билан машғул бўлиб, берилиб иш бажараётган вактлардаги кўринишларини турли хил рангли ашёлар воситасида ишлашни синааб кўриш керак.



Portrait of himself, by Albrecht Dürer

Масалан, пастельда, гуашда, акварельда ва нихоят мойбүёқда ҳам бир неча эскизга ўхшаш этюдлар ишлаб кўриш мақсадга мувофиқ иш хисобланади. Чунки, таркиблари, ашёлари турли хилдаги пигментлар ва моддалардан ташкил топган бўёқлар, бадиий асбоблар билан ишлаш натижасида талаба ўзини келгусида яратадиган катта ҳажмли, жиддий асарларини турли хил бадиий ашёларда bemalol, қўрқмасдан амалга ошира оладиган бўлишлари шубҳасиз. Шу билан бирга ҳар хил либослардаги қаҳрамонларни турли хил кўринишда ҳеч қандай муаммосиз акс этириш маҳоратларини оширганликлари сабабли ўзининг ижобий натижасини беради. Шунинг учун, амалиётда ўкувчи ўзини юкорида тавсия этилган ҳар бир ҳолатларда кўриши шарт.

Адабиётда портрет бу – ёзувчи ўз қаҳрамонларга ҳос бўлган характеристики очиб беришдан, ва қаҳрамонлар кўринишининг тасвири, уларнинг қомати, юзи, кийим кечак ва характеристики орқали, ўз ғоявий мунособатини билдиришдан иборат бўлган бадиий ҳусусиятининг воситасидир.

Тасвирий санъатда портрет жанри ривожланиш жараёнига таъсир килувчи икки тенденцияси мавжуд. Булар: тасвирий техник кўникмаларининг тараққиёти, масалан, композиция ва анатомия фанини ўзлаштириш, формат билан ишлаш, ҳамда, шахс ва индивидуалликнинг мазмун, моҳияти тўғрисидаги тасаввурининг ривожланиши.

Портрет жанри, инсоннинг имкониятларига, унинг ақли, самарали ва қайта ҳосил қилувчи кучларга ишонч пайдо бўлган даврида, санътнинг энг юкори погоналарини эгаллаб турган.

Портрет жанрнинг замонавий вазифаси шундан иборатки, янги замон европа маданиятини ва ундаги инсон шахсиятининг қиймати ҳақида тасаввурини шакллантириб, идеал билан шахсият бир-бирига қаршилик кўрсатмаслиги ҳақида тушунчани ҳосил қилишdir.

Айнан шунинг учун, XX асрда ушбу жанрнинг тараккиёти пасайиши кузатилмоқда: «Қандай килиб гуллаб-яшнаш мумкин у (жанр), тұлиб кетганимизку ичимиздаги шубхаларға ахир»

Рим ҳайкал портрети, Уйғониш даврдаги портрет, ҳамда XVII аср ва XVIII асрнинг 2 яримида яратылған портрет намояндалари, портрет жанрнинг фаровон даври деб хисобланади.

Рангтасвирда портрет жанри хилма-хил вазифаларни ба-жарган. Күп портретларнинг яратилиш жараёни сеҳргарлик ва мұжиза билан боғлық, яъни одамни унинг үзига үхшатиб тасвирланған расм, бу одамнинг акси ёки руҳини намойиши деб ҳисобланар эди.

Рум Империясида Императорнинг тасвири (портрети) суд тартибларининг мұхим белгиси сифатида қабул қилинған ва йиғилишда халқ учун ҳукмдорнинг борлигини билдирған.

Үйларда, вафот этган яқинларнинг юзларидан олиб ту-шурилған маскалар(ұлым никоби) сакланиб келинған. Ушбу портрет бутун оиласини химоя билан таъминлаб берган. Оила вакилининг дағн маросимларида бу маскаларни(ұлым никоби), вафот этганларниниг рамзий белгиси сифатида, күлдә күтариб кетишған.

Бошқа жамоаларда ҳам портрет мемориал восита сифати-да құлланилған, яъни, миср портрет ҳайкаллари, олтин ми-кен никоблари ва фаюм портретларидан дағн маросимлари-да фойдаланылған.

Бу ерда үхашашлик ғароиб руҳий мақсадларида, яъни, на-риги дунёда тана ва уни таркэттан рух билан үзаро муносо-батларида аралашмаслик ва танимаслик ҳолатлар содир бүл-маслиги учун зарур бүлған. Япония ва Океанияда ҳам, вафот этган монархларининг портретлари яратылған эди.

Содир бүлған мұжиззанинг «гувоҳ» сифатида, түй мароси-ми, ёки келин-киёв портретларини тасвирлаш анъанаси ҳам кенг тарқалған.


Портрет санъатининг катта имкониятлари инсоният томонидан аллақачон онгли равища қабул қилинган ва ҳис этилган.

Үлган одамнинг нусхаси сифатида портрет ўша одам ўрнини босишга ҳам қодир деган тушунча мавжуд бўлган. Бу хусусият адабиётда матони жонлантириш мақсадида кўп қўлланилган. Бундай хусусиятига эга бўлган портрет жанри нафақат катта жамоада, балки оиласда ва инсоннинг шахсий ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнаганини билдиради.

Ижтимоий ҳаётда бир нечта қариндош оиласларида бир бирига ўхшаш қиёфаларнинг тасвир нусхалар ва такрорланишларини мавжудлиги жуда муҳим.

Портретлар (тасвирлар) инсон ҳаётини туғилишдан бошлиб кексайиш давргача белгилаб келиши мумкин. Россия портрет жанрнинг тадқиқодчилари оиласвий портрет галереяларнинг пайдо бўлиши тўғрисида шундай деб ёзадилар: «Шу сабабларга кўра, улар (портретлар) томошабинга оиласвий ўхшашликни, сулолаларнинг давомийлигини намойиш қилиб, тарихий ишончлиликка эга бўлди».

Портрет мавзулари инсоннинг индивидуал ҳаёти ва борлиқнинг индивидуал яъни шаҳсий шакллардан иборат. «Агар мавзулар ўз мустақиллигини йўқотиб қўйса, портрет жанри ўзининг жанр хусусийлик чегараларидан чиқиб кетар экан. Масалан, агар композициянинг мавзуси бирор бир ҳодисага асосланиб олинган бўлса, ҳаттоқи унинг қаҳрамонларининг портретлари тасвиранган бўлса ҳам, бундай тасвир портрет эмас, балки картина деб ҳисобланади. Портрет жанрнинг чегаралари жуда ҳаракатчан ва кўпинча бошқа жанрларнинг элементлари билан ёнма-ён туриши мумкин.



Portrait of Himself. by Diego Velazquez

Тарихий портрет – бу (адабий, бадиий, хужжатий) материал ёрдамида, рассомнинг тасаввури ёки хотира фарази асосида яратилган қадим замонда ўтган одамларни тасвирлайдиган асар.

Ўлимдан сўнг қилинган портрет – (ретроспектив) тасвирланиётган одамларнинг ўлимиданг сўнг ҳаётдаги тасвирлар асосида ёки бутунлай ҳаёлдан чизилган портрет.

Портрет-картина тасвирланган одам уни ўраб турган моддий дунё, табиат, меморий унсурлар ва бошқа одамлар билан уйғунликда кўрсатилган асар.

Портрет-сайир – Англияда XVIII асрда пайдо бўлган ва синтиментализм даврида машхур бўлиб кетган сайр қилиб юрган одамнинг тасвири.

Портрет «тип» – тузилиши бўйича портрет жанрига яқин йигма образи



Либосли (Костюмированный) портрет – афсонавий ёки аллегорик күринищда тасвирилган одам портрети.

Портретда (айниңса реализм даври пайдо бўлмасдан олдин) рамзий элементларни кўлланиши яъни қаҳрамон атрофида жойлаштирилган маҳсус жихозлар (белгилар, уй жихозлари, ҳайвонлар, ўсимликлар) тез тез учраб турган.

Ушбу маҳсус жихозлар (атрибут) моделнинг аҳлоқий маънавий ёки касбий макомини белгилувчи яширин маънони юзага келтириб, аҳамият касб этган.

Ю.Лотман ёзади «Тасвирилнувчининг ички ҳарактеристикани кўрсатиш энг оддий услуби матога маълум унсурлар қиритилиши билан яратиб келинган, ва ушбу услуб тез вақтда ҳеч қандай қийинчиликсиз очилиб кетадиган кодга айланниб қолган. (масалан, қўмондоннинг жанг майдонидаги тасвири)¹³

Назорат саволлари

Одам боши тасвирини ишилашда нималарга эътибор берни керак?

Портрет жсанрини вазифаси нимадан иборат?

Портрет ишилашда қандай услублар тавсия этилади?

Тарихий портрет нима?

Рум Империясида Императорнинг портрети нимани билдиради?

¹³ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-119 p/

IV. ҚОРАЛАМАЛАР

4.1. Қораламанинг аҳамияти

Ҳар бир мусаввир санъатнинг қайси бир соҳаси билан ишламасин, у доим атрофни кузата олиши керак.

Юзлаб ва минглаб одамлар ҳар куни қандайдир, у ёки бу ҳодисанинг ўтаётганини сезмай қоладилар ва унга лоқайдик билан қарайдилар. Ҳақиқий рассом фақатгина иш вақтида кузатмай, балки доимо ўша вақтда қандай иш билан машғул бўлишидан қатъий назар, асосий фикру хаёлан атрофни кузатиб боради. Ўз умрини санъатга бағишилаган инсонларда кузатувчанлик одати шаклланади ёки шартли рефлексга айланади.

Ёш рассомлар, қанча кўп ўзингизни кузатишга ўргатсангиз ва кузатишларни қандайдир бир тизимга келтириб тартибга солсангиз, бу сиз учун келажакда ўз маҳсулини беради.

Қораламалар устида ишлап жуда муҳим, буни уйгониш даврида ҳам аҳамияти катта бўлган. Тасвирий санъатга ўргатиш системасини такомиллаштириш учун, у давр рассомлари чизматасвир, рангтасвир ва композиция фанларини асосий ғоялари назариясини асослашга ўргангандар.

Нега айнан ҳамма даврда рассомлари ёш рассомни ўқитишида урғуни натурадан чизишга, табиатни илмий ўрганишга асосий эътиборини қаратган? Шунинг учунки, бу йўл бўлажак рассомни реал борлик билан яқинлаштиради, илмий нуқтаи назардан ҳаётни ҳарактерли томонларини сезишига ва шаклни қуриш қонуниятларини тушунишга олиб боради.

Ҳақиқатдан ҳам, бу йўл атрофни ўрганишни активлаштиради, чунки ҳар гал натураги аниқ ва янада аниқроқ қоғозга

туширишга интиламиз. Борлик ҳақидага таасуротларимиз бу машқлар орқали конкретлашади ва аниқлашади, чунки кўзимиз олдидағи натура бизга яқин, уни кўрамиз, сезамиз ва ўлчаб оламиз.

Чизгандা, ёш рассом шаклни чизиклар орқали ҳажмини чиқаришга интилади ва уни аникрок тасвирлашга, сиртини, ҳажмини кўрсатишга уринади. Қораламалар устида ишлаш ўқувчида фазовий тасаввурини кенгайтириб борликни унданда теранрок англашга йўл очиб беради.

Ҳар бир нарса тасвири ёш рассомдан-уни конструктив тузилишини билишга, ҳар бир қисмни бир-бирига бирикиш қонунларини, ҳажмни фазода туришини тушунишига ёрдам беради.

Расм солиши жараёнида ўқувчи предметни нафақат ташқи тузилишини, балки уни чуқурроқ англаб, таҳлиллар қилишга ўрганади. Шунинг учун, коралама чизиш ўқувчидан турли фанларни ўрганишни талаб қиласи, масалан перспектива асосларини ва пластик анатомияни.

Ҳар кунлик машқлар ўқувчи онгига жуда катта умумий ривожланиш беради. Асосийси эса – қоралама устида ишлаш ўқувчида ҳаётни гўзаллигини ҳис этиш ва тушунишга ундейди. Атрофдаги гул, дараҳт, манзара, одамларни тасвирлаш орқали у атрофни бебахо бойлигини, бетакрор гўзаллигини, хилма-хиллигини кўриб, изланувчанлиги ривожланади ва бадиий дидни ўстиришга замин яратилади.


Бошловчи талабалар учун нарсанинг ўзидан қоралама қилиши энг зарурдир. Қоралама, қўлнинг чиниқиб қаттикланиши, кўзнинг қараш ишончини ва асосий мутаносиблигини тезда, хатосиз, майда-чуйдаларга эътибор бермасдан англаб олиш каби хислатларини ривожлантиради. Қораламалар билан кўп шугулланган талабалар синфда қўйилган намуналарни ёки вазифаларни бемалол чизадилар, тўғри тасвирлайди-

лар. Буюмларни чиройли жойлаштирадилар ва нарсаларнинг мухим жихатларини тез англаб оладилар. Бундан ташқари, ўз альбомига чизгиларни тасвирлаб йиғиб ва улардан архив сифатида фойдаланиб бориш давомида кўп бойлик эскизлар ҳосил бўлади. Кейинчалик, улардан келгусидаги ишларида унумли фойдаланиш мумкин бўлади.

4.2. Қисқа вақтли этюдларни ранглар аро муносабатлар билан бажариш

Очиқ табиатда (*пленэрда*) рангтасвирни ишлашга ўтишда энг аввал кичик, мўъжаз хажмли этюдларни ($5 \times 10\text{ см}$) ишлашдан бошлаб, унда асосий ранглар муносабатини топиш ниҳоятда зарур. Бунинг учун ҳаммадан аввал натурадан энг контраст бўйича (*тусли ва муносабат*)ли умум додларни, масалан биринчи режани узоқдагиси билан таққослаш керак ва зарур. Мўъжаз ўлчамли этюдларни ишлаш натижасида унсурларнинг бўлиб-бўлиб ишлаш каби камчиликлари йўқотилади, яъни бўлажак рассом ўқувчилар натурадаги ҳар бир детални ёзишга интилмасдан, аксинча, катта рангли муносабатларни кўрадилар. Манзарали этюдларни ишлаш вақтида унча қийин бўлмаган сюжетни йиғилган бўшлиқ билан (*масалан, ховлининг ёки бознинг бир қисмини бирорта уй билан*) кўшиб ишлаш ҳолати танланади.

Катта масофада биз предметларни нафақат кичикроқ хажмда, балки хирароқ идрок этамиз. Чунки ҳаво мухити тиник эмас, унда сув ва чанг парчалари, ҳаво қатламлари мавжуд. Шундай қилиб, жазирама кунларда ҳавони ҳаракати кўзимизга кўриниб кетади. Бундан ташқари, узоклашганда предметлар нафақат бўйига ва энига кисқаради, балки хажми ҳам йўқолиб боради ва улар текисрок бўлиб ҳажмсиз кўринади.



Этюд устида ишлаганда ёш рассомлар бир неча планни тасвирлашни ўрганиши керак. Бириңчи планда нарсалар ҳажмли ва каттароқ, аниқ ёруғ сояси билан күринади, бироз узокда эса соялар очроқ, ёруғ жойлар эса хирапоқ күринади.

Уфқ чизикқа яқынлашган сари ёруғ – соя зиддияти (*контрасты*) юмшаб охирида оч ҳаворанг доғ бұлиб «қоришиб» кетади.


Ҳаво мұхитини күрсатиш этюдни умумий ранг жихатини – колорит орқали ифодалаш мүмкин. Ҳавода турли объекттарнинг ҳақиқий рангига атрофдаги унсурларнинг акслари таъсир қиласы. Буни амалда синааб күриш мүмкин – нарсаны соя томонта бирма-бир күк, сариқ, қызыл матоларни яқынлаштирилса у сояды күк, сариқ, қызыл аксларни сезиш мүмкин. Очиқ ҳавода кучли рефлекслар осмондан тушади, буни айнан сояларда сезиш мүмкин.

Шундай қилиб, бу амалиётда табиат элементларини үзігін хос асосий рангини, атрофдан тушадиган аксларни, узоклашганда тусни үзгаришини күрсатып беріш керак.

Пленерда курсанғыз узокдаги деталлар нафақат очланади, балки ранги оч күк тус олади, лекин бу ҳар доим әмас, чунки манзара элементларини ранги ҳавони очиқ ёки очиқ әмаслигига, қуёшли ёки қуёшсизлигига boglik.

Манзарани турли вақтда – әрталаб, түшде ва кечкурун тасвирлаб, ранг фарқларини сезиб олиш мүмкин. Кейинчалик масаланы мураккаблаштириш талаб қилинади. Бу ҳолда үз ичиға бир нечта режани биргаликда қамраб олган очиқ маконга манзарали мотив танланади. Бундай этюдларда алохида эътиборни фазовий мухит қискаришига (*перспектива*) қаратиш лозим, яғни, ранглар бүйіча режаларнинг ёруғлиғи ва түйин-ғанлиғи каби фарқларни ҳисобға олиш мақсадда мувофиқдір. Бу нарса ҳам, манзаранинг ҳамма режаларини таққослатап билан эришиләди. Яғни бу ҳолатта, үша ҳамма режаларни ях-

лит қабул қилиш билан режани иккинчи ва узокдаги режани осмон билан да дараҳтлар билан унинг сувдаги акс тасвирини биргаликда олиб, таққослаб ишланади (этюд билан ишилайыда 15, 30, 60, дақықа давом этиши мүмкін).



Кисқа муддатли этюдларни бажариш мақсадида (*турли хил бўлиши мумкин*), баъзи ҳолларда, этюд узок давомли ишларнинг бошланишидан олдин бажарилади ва уларда рангларо муносабат таҳлил қилинади ва ўрганилади. Натижада, унинг колористик маълумотлари ҳақидаги биринчи таассуротлар ҳисобга олинади.

Назорат саволлари

- 1. Рангтасвирда қораламаларнинг аҳамияти?*
- 2. Эрталаб, тушда ва кечқурун тасвирланган манзарада нималарни кўриши мумкин?*

Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати

Автопортрет (грекча сўздан. «*Oulos*» – ўзим) – рассом ўзини-ӯзи тасвирлаган портрет. Бу ҳолда рассом ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзиdir.

Акцент (латинча сўздан «*Accentus*» – ургу) – тасвирий санъатда ранг, тус, чизиқ ёки буюм, шаклнинг, чехрани тасвирий санъатда ранг, тус, чизиклар ёрдамида ургу беришdir.

Анфас – «фас» олдиндан кўриниши, юз кўриниши.

Абстракционизм – мавхум санъат асарларини ўз ичига олган бадий йўналиш.

Автолитография – рассом ўз асарини тошбосма усулида ишлагани.

Авангардизм – XX асарда пайдо бўлган, янги шакл, услугуб, усул ва бошқа тасвирий воситалар асосида ихтиро қилувчи, изланувчи (*баъзида бу сўз билан янги бидий йўналишларни ҳам атасиади*).

Академизм – академик услуга оид бадий йўналиш.

Блик (немис тилидан «*Blik*» – қараши, бокши) – ёруғ – соя элементи. Ёритилган буюмнинг энг ялтироқ жойи, айниқса, ялтироқ жисмда. Ёритилган қисмдаги умумий тусга нисбатан энг ёруғ, ялтироқ, ёриқроқ қисмидir.

Бадий – борлиқни, инсонни, унинг ҳаётидаги воқеаларни кечинмаларини ўзаро ўхшатиш, шакллантириш ва ранго – ранғ тасвирлаш усули.

Бадий услуг – санъатда қўлланиладиган усул.

Бюст – одамнинг кўрагигача тасвирланган ҳайкал.

Ватман – рассомчилик ва чизмачиликда ишлатиладиган қалин, олий нам коғоз.

Вариант (латин тилидан – ўзгарувчан) – санъат асарининг муаллиф томонидан такрорланиши. Шунингдек, компо-

зиция, картина ранг ечимиға, комат ҳаракатига, құл ҳаракатига үзгариш киритиш. Сюжетли композицияда маъно (тема) ни саклаган ҳолда тасвиirlарни үзгарған ҳолати.

Галерия – тасвирий ва амалий санъат асарлари сакланадиган ва күргазмалар үтказиладиган махсус бино.

Гармония (грек тилидан «*harmonia*» – хушбичим, умумийлик, қисмлари (бұлаклари) келишгән) – тасвирий санъатда тасвиirlанаётган буюм шакли ёки рангнинг үзаро умумийлиги, хушбичимлиги.

Графика (грек тилидан «*graphikos*» – чизикли чизилған) – тасвирий санъатнинг бир тури. Рангтасвирга нисбатан кам ранг ишлатилиб, асосан, оқ ва кора контраст ранглар, чизик ва штрихлар ҳарактерлидир. Графикага чизматасвир, гравюра, литография каби босма тасвир турлари киради.

Гризайль (француз тилидан «*gris*» – күлранг) – бир хил рангда мүйқалам ёрдамида бажарылған тасвирий асар. Оқ ва кора рангда туси билан фарқ киладиган усулда ишланған тури.

Деталлаштириш (детализация) – тасвирий санъатда детал (қисм)ларини алохида пухта ишлаш. Деталлаштириш рассом усулига қараб ҳар хил даражада бўлиши мумкин.

Жанр (француз тилидан «*genze*» – тур) – тасвирий санъатда мавзу үхашалигини бирлаштирувчи тушунча. Рангтасвирда: наторморт, интерьер, пейзаж, портрет, сюжетли картина (майший, тарихий) турларидир.

Интерьер (француз тилидан «*interieur*» – ички, ичкаридаги) – ички күриниш, бинонинг ички хоналари күриниши ва унинг тасвирий санъатда тасвиirlаниши. Шунингдек, хона, бино ичидаги нарсалар, буюмлар, деворларнинг (мозаїка, фреска, нақш, матолар билан) күриниши.

Картина (расм, суръат) – алохида белгиланған нафис тасвирий санъат асари расм (картина) ҳар хил жанрда бўлиши мумкин. Этюдга нисбатан борликни (*натураны*) пухта

ўйланган ва пухта ишланган, тугатилган, деталлари ва шакллари мохирлик билан акс эттирилган кўринишидир.

Композиция (*лотин тилидан «composition» – тузиш, боғлаш, баён қилиш*) асар қурилмасида маъно оширишни излаш. Мавзу сюжетни (*мазмун*) очиб беришда рассом томонидан изланиш олиб боришидир. Композиция устида ишлашғоя туғилгандан бошлаб асар тугаллангунча давом эттирилади. Бунда рассом танлаган мавзуси асосида сюжет устида иш олиб боради.

Контраст (*француз тилидан «contraste» – кескин, карма-қаршилик*) – тасвирий санъатда қарама-қарши қўйилган тус, ранг, шакл, киёфа назарда тутилади. Масалан: оқ-кора, ёргуғ-соя, қизил-кўк, тўғри-эгри, иссиқ-совук ва бошқа контрастлар. Контраст тус ёки ранг композицияда бадиийлик образини кучайтиради, асосий қисмини таъсирчанлигини янада оширади.

Картон – қоғоз тури, рангтасвир асарнинг қораламаси, қалам ёки кўмир, қаламда ишланган нусҳаси.

Контур – чегара, чизик.

Копия – нусха, кўчирма.

Моделировка (*италиян тилидан «modeliate» – ясамоқ*) – рассомчилик амалиётида бу рельефни тасвирлаш, буюм шаклини тасвирлаш ва шаклни, коматни у ёки бу ёруғликда тасвирини кўрсатиш.

Модель (*француз тилидан «modele» – объект, тасвирига наётган шакл, натурачи одам*) – кўп ҳолда натура, умуман одам.

Монохром (*грек тилидан tonos – бир, «chronos» – ранг*) – бир рангли демакдир.

Мотив (*француз тилидан «motif» – сабаб, сюжет*) 1) натура обьекти, рассом томонидан тасвирлаш учун мўлжалланган обьект ёки баъзи ҳолларда манзара бўлиши мумкин; 2) амалий – безак санъати – асосий элементорнамент композиция кўп такрорли бўлиши мумкин.

Манера – услуга.

Мольберт – рассом дастгохи, анжом.

Наброска – тез ишланган ҳомаки чизматасвир. Наброскада шакл тасвири умумлаштирилган бўлиб умумий тасаввур беради. Наброска алоҳида аҳамиятта эга бўлиб картина учун бажарилиши мумкин.

Натюроморт – жонсиз табиат демакдир. Рангтасвир турларидан бири бўлиб, буюмлар, мева-чева, гул ва ҳоказоларни ифодаловчи тасвир.

Нюанс (*француз тили* «*тианс*» – *тус, хил*) – жуда нозик тус ёки ёруғликдан соя қисмига енгил туснинг ўтиши.

Образ (*бадиј*) – санъатда ҳодисаларнинг акс эттирилиш шакли (*формаси*).

Оригинал (*лотин тилидан* «*originalis*» – *биринчи бор, асли, асл нусҳаси*). 1) Тасвирий санъатда рассом томонидан ижодий яратилган санъат асари; 2) нусҳаси олинган ҳар қандай тасвирий санъат асари.

Перспектива (*лотинча тилидан* «*perspecto*» – *охиригача қараш, қуриш*).

1) масофадан туриб қаралгандаги буюм, шаклнинг ўлчами ва шакли, шунингдек, ранг кўринишнинг ўзгариши.

2) одам кўзига шаклнинг бўшлиғда ўзгаришини текисликда тасвирлаш қонунини ўганадиган фан. Перспектива конунларидан фойдаланиб, буюмни бизга қандай кўринса шундай тасвирлашга ёрдам беради. Чизиқли перспектива буюм шаклини, ўлчамини ва пропорциясини (*нисбатини*) ўзгаришини, қисқаришини аниклади. Рассомчилик амалиётида кенг қўлланиладиган кузатиш перспективаси буюм шаклини ўзгаришини тасвирлашга ёрдам беради.

Перспективада ишлатиладиган асосий терминлардан: **горизонт чизиги** – ҳавода шартли жойлаш, кузатувчи кўз баландлигидан ўтган тўғри чизиқдир; **кузатиш нуқтаси** – расм чизаётган кишининг ўрни, **марказий учрашув нуқта-**

си – кузатувчининг кўзи рўпарасида горизонт чизигида жойлашган нукта; **қўриш бурчаги** – шаклни тўла идрок қилиш, қуриш учун зарур бўлган масофа бурчаги. **Ҳавоий перспектива** – буюмнинг ёруғлик даражасини, чегара чизигини ва ранг ўзгаришини аниклади. Буюм қузатувчидан узоклашган сари ҳаво қатламининг таъсирида ўзгаришидир.

Пластика (*грек тилидан «plastika» – ваяние*) – 1) рангтасвирида, чизматасвирида ва ҳайкалтарошлиқда буюмни шакллантириш, тасвири ҳосил қилиш; 2) ифодали рангтасвири ишлаш йўли, мўйқалам билан ишлашдаги енгиллик, мохирлик; 3) ҳайкалтарошлиқда, графикада ва тасвирий санъатда шаклининг аникликка, ифодаликка эришиш.

Портрет (*француз тилидан «portrait» – тасвир*) – тасвирий санъат жанри, маълум бир шахс (*одам*) нинг ёки бир неча кишининг (*икки, гуруҳ ва боишқалар*)га бағишлиланган асар.

Пропорция (*мутаносиблик*) – (*лотин тилидан - proportio - соразмерность*) – қисм ўлчови, ўлчамларнинг бир-бирига ва бутун шаклга бўлган нисбати. Рассом пропорция ёрдамида буюм ва қомат шаклини қўришда, асарнинг композициясини тузища катта аниклик киритади. Бунга текислик шакли нисбати, фонга тасвир ўлчами нисбати, гурӯхлар нисбати кабилар киради.

Профиль (*француз тилидан «profil» – ён томондан қўриниши*) – ҳар қандай жониворнинг ёки буюмнинг ён томонидан қўриниши.

Пластик анатомия – анатомия фанининг бир қисм бўлими. Одамнинг пропорциясини, ички тузилиши ва ўзгариши тананинг шакл ўзгаришига таъсирини ўрганади. Пластик анатомия қомат мускуллари ва скелет тузилиши, суюклар ва мускуллар боғланишига эътибор беради, ўрганади.

Пастель – рангли қаламча, бўр. Шу қаламда ишланган асарлар ҳам пастель дейилади.

Ракурс (*француз тилидан «raccourcir» – қисқартиши*) – буюм шаклининг ва тирик жониворнинг перспективали

қискариши. Якин масофадан, юқоридан, пастдан қараганда фазодаги натура жойлашувининг нұқтаи назарі.

Рельеф (*француз тилидан «relief» – буртик, ҳажсмли*) – ҳайкалтарошлиқдаги тури. Думалок ҳайкалдан фарқи рельеф ҳажми қисман текислик устидан бўртиб туради. Рельеф ҳар хил кўринишда бўлиб: Барельеф (*«ба» - французча past*) – текислик сатхидан ўз ҳажмининг ярмига яқини туради.

Рефлекс (*лотин тилидан «refleksus» – кайтиши*) – 1) рангтасвирида – кучли ёруғлик билан ёритилган буюм сиртидаги соя қисмида қўшни турган ранг-туси, тури. Рангли рефлекс буюмнинг теварак атрофидаги нарсалар таъсирида ҳосил бўлади. Масалан: қизил мато қизгиш рефлекс ҳосил қилиши мумкин.

Ритм (*вазн*) (*грек тилидан «rhythmos» – бир меъёрдаги, текис*) – асар композиция қурилмасининг муҳим томонларидан бири. Буюм, шакл, ранг ёки нақш элементларининг бир меъёрда такрорланиши, айниқса, монументал санъатда. Амалий-безак санъатида ва архитектурада кўп учрайди.

Реализм – тасвирий санъатда нарсалар ҳаётда қандай кўринса, шундайлигича тасвиirlанишига асосланган оқим.

Репродукция – тасвирий санъат асаридан олинган нусха.

Ретуш – маҳсус қалам.

Сангина – қон сўзидан ташкил топган атама. Жигар ранг ёки қизгиш бўрсимон қалам.

Соус-юмшоқ қалам, шу қалам ёрдамида ишланган асар ҳам, соус дейилади.

Свет (*ёруғлик, нур*) – Тасвирий санъатда ёруғ-соя элементи. Натурада ҳам санъат асарида ҳам юза(сирт)нинг ёритилган қисми учун ишлатиладиган термин.

Сеанс (*француз тилидан «seance» – бир зумда, тезкор*) – бир асар устида ишлаётган рассомнинг тўхтовсиз иш даври, вақти, рассом асар устида ишлаётиб бир, икки ёки ундан ортиқ сеанс вақт сарфлаш мумкин. Ҳар сеанс ҳар хил вақт давом этиши ҳам мумкин.

Силуэт (*француз тилидан «silhouette» – шакл кўриниши*) – натурада буюм ёки қоматнинг умумий шакл кўриниши. Тасвирий санъатда шакл ва буюмни деталларсиз ясси ҳолда (тўк ёки оч ранг фонида доғ сифат) кўринишини назарда тутилади. Ёруғлик қархисига қўйилган буюм силуэт бўлиб кўринади. Графикада қора тасвирланган шакл профили силуэт деб аталади.

Симметрия (*грек тилидан «symmetria» – текис, баб-баробар, тенг ўлчамли*) – композицияда ёки шакл тузилиши марказий ўқ чизигидан параллел, марказдан тенг узокликда қисмлари жойлашган кўриниши. Масалан: цилиндр, кўза, тухум кабилар.

Стиль (*француз тилидан «style» – манера дастхат*) Стил (*дастхат*) бир гурух, рассомларга ёки битта рассомга хос бўлиши мумкин. Агар унинг ижоди кескин фарқ қилса, фактат унга хос томонлари мавжуд бўлса, бундай рассомлар ҳам алоҳида дастхат (*стил*)га эга бўладилар.

Тема (*грек тилидан «thema» – асосий фикр*) – рассомнинг асарда тасвирлаш ва гояни очиб бериш учун танланган ходиса, воеа доираси.

Тень (*соя*) – тасвирда ва натурада кам ёритилган қисмининг ёруг соя элементи. Шахсий соя ва тушган соя турлари мавжуд. Шахсий соя буюмнинг ўзида жойлашган. Буюмнинг теварак-атрофга, ерга тушган сояси тушган соя дейилади.

Тон (*тус. ранг*) – (*француз тилидан – «ton» – бўёқ бериси*) – натурадаги буюм (*предмет*) ва санъат асаридаги рангта хос ёрқинлик, равшанлик даражаси. 1) чизматасвирда бир ранг (*монохром*) тузи; 2) рангтасвирда ранг кучи, ранг қуюқлиги тушунилади. Рангтасвирда ранг ва ёруг – соя муносабатлари узвий боғлик; 3) ранг-тузи рангнинг муҳим сифати; 4) умумий ранг тузи тушунчаси ранг чашмаси терминига мос.

Торс (*италиян тилидан – «torso» – гавда*) – одам гавдаси.

Тус (*Оттенок*) 1) натура (*шакл*) нинг теварак-атроф таъ-

сирида ранг ўзгариши; 2) рангни, ранг қуюқлигини, ранг ёрқинлигини, тусини кичик фарқлари. Масалан кизил рангни кизғиш рангдан фарқи, сарик; рангни лимон сарифидан фарқи; 3) Совуқ рангнинг иссиқ рангта ўтиш жараёни.

Фактура (*лотин тилидан – «factura» – ишлов бериш*) - 1) ашё (*материал*)нинг ҳарактер хусусияти, натурада буюмнинг сирти ва унинг санъат асаридаги тасвири (*масалан, картина*да ёки натурада шиша кўзанинг ялтироқ сирти, юзаси); 2) материалнинг ишлов берилганлик хусусияти, материалнинг ҳарактерли сифати (*масалан, нафис тасвирий асар фактураси* – бу мезон (*из*), бўёқ катламининг ҳарактери. У силлиқ, гадир-будир, рельефли ва шу каби кўринишда бўлиши мумкин, ҳайкалтарошлиқда - ишлов берилган тош, ёғоч ва бошқаларнинг юзасидир).

Фас (*француз тилидан – юз, башара, чехра*) – олдидан кўриниши.

Фиксат (*француз тилидан – «fixer» – мустаҳкамлаш, котириш, маҳкамлаш*) – чизматасвири яхши сақланиши учун мустаҳкамловчи маҳсус суюқлик.

Фон (*француз тилидан – «fond» – таг, чуқурлик қисми*) – натурада ва тасвирий санъатда шакллар ортида жойлашган муҳит, тасвирда орқа план. Тасвирий санъатда фон тасвирили ёки тасвирсиз бўлиши мумкин.

Форма (*лотин тилидан – «forma» – ташқи кўриниши*) 1) ташқи куриниш, киёфа; 2) тасвирий санъатда форма деганда шаклнинг ташқи хусусиятига айтилади. Тасвирий санъатда бадиий форма – бу композиция тузилиши, воситалар бирлиги, ҳамжиҳатлилиги, усули, бадиий ашёда амалга оширилганлиги ва бадиий тоя мужассамлигидир.

Формат (*французча*) – тасвир бажарилаётган текислик шакли (*тўғри туртбурчак, овал, доира ва бошқалар*). Формат баландлигининг энига нисбати ва умумий доира чегарасига боғлиқ. Формат танлаш санъат асарининг мазмунига ва

рухиятига боғлиқ. Картина формата тасвир композициясига тұғри келиши лозим.

Фрагмент (латинча – «*fragmentum*» – бұлакча) – асарнинг бир қисми, бұлакчаси.

Штрих (немисча – «*Strich*» – чизиқ) – чизматасвирида тасвирилаш воситалардан бири.

Эскиз (французча – «*esquisse*» – набросок (қоралама)) – ижодий ғоянинг асар учун бажарилған кораламалари. Эскиз хар хил усул (*техника*)да бажарилиши мүмкін. Эскиз бир неча вариантда бажарилади ва энг яхши деб топилғани асар учун асос қилиниб олинади.

Эстетика (грекча – «*aisthetike*») – ҳаётда ва тасвирий санъатда гүзіллик ҳақидағи фан. Эстетика борлықда санъатнинг муносабати, бадиий ижод қонунлари асосини, ижтимоий ҳаётда санъатнинг ролини үрганади. Гүзіллик – эстетика кенг ахамиятини үрганади.

Экспрессия – шижаат, шиддат, тезкорлик, ифодалилық, фикр, кайфият ва ҳис-туйғуларнинг ёрқин намоён бўлиши.

Комат – кишиларнинг умумий күриниши.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Virgil Elliott – «Traditional oil painting» – USA. 2007- p 220.
2. Daniel Burleigh Parkhers – «The Painter In Oil» – USA 2004- p 159.
3. О.Муинов, Рантасвир, Т.Шарқ – 2007 й. 55 б.
4. Н.Норматов «Ранглар юртига йўл», Т. Ношири – 2013 й. 137 б.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон Фармони.

2. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. 56-б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундаклик қоидаси булиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.104-б.

Ўқув қўлланма

Э.Х. Хантов, Ш.Р. Жуманиязов

РАНГТАСВИР

I босқич талабалари учун

Муҳаррир: Дурдана Одилова

Мусаххих: Севара Рустамова

Саҳифаловчи: Умид Раҳматов

Техник муҳаррир: Баҳодир Ҳусанов

Лицензия рақами: АI №207, 08.28.2011 йилда берилган.

Босишга 19.06.2018 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Нашр табоғи 7,5.

Шартли босма табоғи 7,0. «Times New Roman» гарнитураси.

Офсет усулида босилди.

Адади 100 нусха.

Ушбу қўлланма бўйича фикр-мулоҳазаларингизни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

“Info Capital Group” нашриёти, 100128,

Тошкент ш., Лабзак кўч., 29/55.

Тел.: (+998 71) 241-32-21, 241-01-69.

Факс: (+998 71) 241-01-73.

Электрон почта кутиси: info@infocapital.uz

Э. ХАИТОВ
Ш. ЖУМАНИЯЗОВ

РАНГТАСВИР



 INFO CAPITAL
GROUP

ISBN 978-9943-5341-3-1



9 789943 534131